БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил
12 январь
Жума
№ 9 (13.445).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Фотима янги йилнинг дастлабки кунларини кўнгилдагидек бошлади. Бу йил унинг учун бахтли келадиганга ўхшайди: яқинда уни КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилишди. Бу ёш ишчи учун катта ишонч. Ишонч, албатта, оқланиши керак. Фотимага ишонса бўлади. У Хазорасп ип-йигирув фабрикасининг илғорларидан бири. План-топшириқларини доимо ортиғи билан адо этиб келяпти.
Суратда: илғор ишчи Ф. Қурбонбоева.
Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

Иқтисодий ислоҳот: хўжалик ҳисоби шароитида қувватлар ва имкониятлар

ИНҚИРОЗ

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги раҳбарлари диққатига!

Олтмишинчи йилларни яхши эслайман. Ишчи кучи етишмаганлигидан Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятига бориб ишлаш учун кўплаб ёшларга комсомол йўлланмаси бериларди. Янги ерларни ўзлаштириш ва катта-катта қурилишлар учунгина эмас, балки саноат корхоналари учун ҳам ишчи кучи етишмасди. Мазкур мухтор жумҳуриятга ёшларни кенг миқёсда жалб этиш етмишинчи йилларда ҳам қизғин давом этди.

Яқинда Нукусда Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Министрлар Совети Раиси Амин Ҳамроевич Тожиев ҳузурида бўлганимда иккаламиз ўртамизда шундай мулоқот бўлиб ўтди:

— Ёшларни иш билан таъминлаш масаласи қандай?

— Ҳозир мухтор жумҳуриятимизда 50 минг одам иш билан таъминланмаган. Шунинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Бунинг сабабларидан бири шуки, Амударё, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли ноҳияларидаги енгил саноат корхоналарида қувватлардан фойдаланиш 40-60 фоиздан ошмаяпти.

— Демак, ишчи ўринлар ҳаракатсиз турганлигидан ишлашни хоҳловчилар ҳам ишлай олишмаяпти ёки иш топиша олмаяптими?

— Шундай.

— Бу масалани ҳал қилишнинг иложи борми?

— Бор. Биз шу масалани ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз, бироқ, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг амалий ёрдами зарур бўляпти. Агар жойлардаги корхоналарда бўлсангиз, бу ёрдам нимадан иборат эканлигини ва қай даражада зарур эканлигини кўрасиз.

Ажабо, бундан атиги ўн-ўн беш йил олдин ишчи кучи етишмаётган ўлкада энди одамлар иш топиша олмаётган бўлишса!? Бу нима гап?

Йўловчи машинада Амударё ноҳияси маркази — Манғит шаҳрига йўл олдим.

— Сўзларингиздан бу ерликка ўхшамайсиз, агар Тошкентдан, газетадан келган бўлсангиз, бизнинг Манғит тўғрисида, бу ердаги қизлар, йигитлар беиш юришгани ҳақида ёзмасдан кетманг, — деди ҳайдовчи Нукус—Тўрткўл йўлига чиқиб олгач. — Бизда институтни битириб келиб 70-80 сўмга кун кўраётганлар ҳам, армиядан қайтиб иш тополмай юрганлар ҳам кўп. Оқибатда ўғирлик қилаётган, безорилик қилаётган ёшлар сони ортиб боряпти.

Ҳамроҳим — Манғитдаги 44-автокорхона ҳайдовчиси Жумабой Ўрозбоев жўнгина эмас, ғоятда ташвишланиб гапирди.

Унга шундай савол бердим:

— Нега ёшлар беиш юради? Ахир шаҳрингизда саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари кўп экан-ку?

— Ҳе, ҳаммаси қуруқ сонда бор, ярим қувват билан ишлайди, — куйиниб эътироз билдирди суҳбатдошим. — Нега десангиз, ПМКларга қурилиш материаллари етказиб берилмайди, автокорхоналардаги машиналар яроқсиз, фабрикаларда ўрин бўлгани билан иш йўқ. Мен сизга айтсам, меҳмон, ҳозир кун кўриш қийин бўлиб қолди.

Биз Амударё ноҳияси комсомол қўмитасида ҳам, маҳаллий «Амударё ҳақиқати» газетаси редакциясида ҳам худди шундай фикрни эшитдик. Агарда Манғитдаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари тўла қувват билан ишласа, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳал этилган бўларди, дейишди суҳбатдошларимиз. Улар асосан ип йигирув-тўқув фабрикасига умид боғлашяпти. Чунки бу фабрика фақат Манғитдаги эмас, балки Қорақалпоғистондаги энг катта енгил саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Мазкур фабрикада мавжуд, яъни лойиҳадаги қувватларни тўлиқ ўзлаштириш юзлаб ёшларни, айниқса, ишсиз юрган қизларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Аввало, фабриканинг иқтисодий ишлаб чиқариш фаолияти билан танишайлик. Маълумотлар тўғри, таҳлил асосли бўлиши учун 1989 йилнинг уч кварталли якунини олдик. Ана шу даврда планлар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 57 фоиз, меҳнат унумдорлиги бўйича 58 фоиз, бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам шу атрофда бажарилди. Қувватлардан фойдаланиш ип йигирув ишлаб чиқариши бўйича 54 фоизни, тўқув ишлаб чиқариши бўйича 50 фоизни ташкил этган. Мавжуд ускуналарнинг планда кўзда тутилган бекор туриб қолиши — ип йигирув ишлаб чиқаришида эса нормадаги 5 фоиз ўрнига 33 фоизга етган. Демак, ускуналар ишлаб чиқариш жараёнида бир ярим-икки соат ишлаб, бир-бир ярим соат бекор туриб қолаверган.

Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган корхона ана шундай шароитда бирон-бир шартнома интизомига риоя қилиши мумкинми? Албатта йўқ! Умуман, бундай корхонанинг фаолият кўрсатиши хўжалик ҳисоби талабларига мутлақо зид.

Келинг, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши зарур бўлган корхонанинг иқтисодий-молиявий аҳволини таҳлил қилиб кўрайлик. Маълумотлар 1989 йилнинг 10 октябрига нисбатан олинган: ана шу даврда маҳсулотни реализация қилишдан тушган маблағ атиги 256 минг 984 сўм 58 тийин. Корхонанинг банкдан олган қарзи эса бир нена миллион сўм. Аниқроғи, олинган узоқ муддатли қарз 2 миллион 242 минг сўм, қисқа муддатли қарз 1 миллион 888 минг сўм. Албатта, ҳар нарсанинг чегараси бор. Давлат банки «очил дастурхон» эмасми, сўраганга олтин сандиғини очаверадиган. Шундай вақтлар ҳам бўлдики, фабрика ишчилари икки ойлаб иш ҳақи олишмади. Нима қилиш керак? Олтин сандиқ очилмади. Фабриканинг ўзида ҳемири йўқ, ишчиларнинг қўли ишга бормай қолди. Одатда, ҳаётда камбағалга қарз берадиган одам топилмаганда, кимдир олижаноблик қилиб ҳиммат кўрсатади. Жумуртов норуда материаллар заводи шундай ҳиммат кўрсатиб, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши зарур бўлган корхонага 50 минг сўм қарз берди. Бундай аҳвол такрораниб турган экан, яна бирор корхона қарз бериши мумкинлигига ким кафолот бера олади? Умуман олганда, қарз ҳисобига қачонгача фаолият кўрсатиш мумкин? Корхона раҳбарлари «фақатгина биз қарздор эмасмиз, биздан қарздор бўлганлар ҳам бор», дейишлари аниқ. Тўғри, корхона 1 миллион 817 минг сўм қарзини ололмаяпти. Андижон ип-газлама комбинати бу фабрика маҳсулотини хом ашё сифатида оляпти-ю, лекин вақтида пул тўлашни унутиб қўйяпти. Эҳтимол, андижонликлар учун ҳам давлатнинг хазина сандиғи очилмай қолгандир. Манғитда бизга Андижонга жўнатилган охирги хатнинг нусхасини беришди. Унга фабрика директоридан ташқари бош бухгалтер билан бош иқтисодчи имзо чекишган. Унинг мазмуни шундай: қарзимизни тезроқ тўланглар, оғир иқтисодий аҳволда қолдик, икки ойлик иш ҳақи берилмади, агар зудлик билан қарзни тўламасангиз, маҳсулот жўнатишни тўхтатамиз. Бундай огоҳлантиришлар одат тусига кириб қолган. Бироқ жўнатмай қаёққа ҳам боришарди. Чунки, ҳар иккала корхона ҳам битта министрликка қарайди. Министрликдагилар эса бундай машмаша-ю можароларга кўникиб қолишган. Ўртада одил ҳакам бўлишдан кўра четда ҳафсаласиз кузатувчи бўлишни афзал кўришади. Оқибатда, корхоналар бир-бирларини тушовлаб, ишлаб чиқаришни издан чиқариб, иқтисодий инқирозга йўл тутмоқдалар.

Андижон ип-газлама комбинатидан қарзини тўлиқ ундириб олган тақдирда ҳам Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси яқин йилларда иқтисодий жиҳатдан оёққа туролмайди. Негаки, фабриканинг жами қарзи тўрт ярим миллион сўмдан ошади. Шундай экан, бу ерда ҳар бир сўм тежалиб, ортиқча сарф-харажатга йўл қўйилмаётган бўлса керак, дерсиз. Афсуски, аксинча. Иш ҳақи фонди ортиқча сарфланяпти (кошкийди, тўғри сарфланса, ишда брак, сифатсизлик кўпайганлиги сабабли маҳсулот таннархи қимматлашиб боряпти, корхона бутунлай зарар кўриб ишлаяпти. Ўтган йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришдан 378 минг сўм зарар кўрилди. Иккинчи ярим йилликда юз бераётган ташвишли аҳвол янада кўпроқ зарар кўрилишидан далолат беради. Тўла асос билан айтиш мумкинки, корхона иқтисодий жиҳатдан инқирозга учраб бормоқда. Бу хўжалик ҳисоби жорий этилганлигининг учинчи йилида юз беряпти. Демак, хўжалик ҳисоби хўжакўрсинга, қоғоздагина жорий этилган. Оқибатда, корхона раҳбарлари янгича шароитда меҳнат қилишнинг қонуниятлари (талаблари) ва қийинчиликлари (тўсиқлари) олдида довдираб қолишган. Бунинг устига, юқори ташкилотлардан тегишли назорат ва амалий ёрдам бўлмаган. Раҳбар ходимлар уддабурронлик ва ташкилотчилик кўрсатиш ўрнига ўзибўларчилик ва ҳафсаласизлик кайфиятига берилганликлари, технология ва ишлаб чиқариш интизомини издан чиқарганликлари, малакали кадрлар тайёрлаш ишини ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари, имконият излаш ўрнига, турли баҳоналарни рўкач қилишга одатланиб қолганликлари эса иқтисодий инқирозни тезлаштиришга сабабчи бўлган. Мутахассислар, ишчилар даврасида қилган суҳбатимиз шундай хулоса чиқариш учун асос беради.

Ҳозир фабрикада 800 нафар киши ишлайди. Шунинг тўқсон фоизи комсомол-ёшлар. Фабрика бош инженери Анвар Матмуродов ҳам шулар ҳисобида. Икки йилдан бери шу лавозимда ишлаётган бу йигит ишлаб чиқаришдаги қийинчиликлар ҳақида куйиб-пишиб гапирди. Бироқ бу қийинчиликларни бартараф этиш кўпроқ корхона раҳбарларининг ўзларига, маҳаллий ҳокимият органларининг ёрдамига ҳам боғлиқ эканлиги маълум бўлиб қолди. Биз бош инженер Анвар Матмуродов, смена мастери Баҳодир Ҳайитбоев, тўқувчи комсомол қизлар Каромат Бобожонова, Гавҳар Бозорбоева, Замира Юсупова, Жумагул Худоёрова, Аноргул Отажонова билан давра қуриб, очиқчасига суҳбатлашдик.

— Бизда тўқув ускуналари бир текис ишламайди. Энг катта камчилик шу, — деди Гавҳар дугоналари ичида биринчи бўлиб суҳбатга қўшиларкан.

— Сабаб?

— Эҳтиёт қисмлар етишмайди.

— Ҳозир цехни айланиб чиқдик. Лекин ускуналар эскига ўхшамайди-ку?! — Эътироз билдирдик.

— Барибир ҳафталаб, ўн кунлаб тўхтаб қолади. Кўпинча брак маҳсулот чиқаряпмиз.

Гавҳарнинг бу гапини ҳамкасблари қўллаб-қувватлашди. Демак, ускуналар билан муомалада малака етишмаганидек, уларнинг носозларини яхшилаб созлаш учун ҳам малакали мутахассис етишмайди.

Аноргулга мурожаат қилдик:

— Қанча ойлик оласиз?

— Ўтган ойда 87 сўм олдим.

— Оз эмасми?

— Албатта, оз. Нега деганда, кўпинча бекор туриб қоламиз.

— Мен ўтган ойда 50 сўмгина олдим, — луқма ташлайди Жумагул.

— Нега?

— Ўнта дастгоҳдан тўрттасигина ишлаб турибди. Бошқаси бузуқ.

— Шу фабрикада тўрт йилдан бери ишлаяпман, — суҳбатни давом эттирди Гавҳар. — Бундан икки-уч йил илгари, хўжалик ҳисобига ўтмасдан олдин ҳам шу ўнта ускунада ишлардик, лекин 300 сўмдан ошириб, баъзан 400 сўмга етказиб иш ҳақи олардик, ҳозир 100 сўмни ҳам ололмаяпмиз. Меҳнатни баҳолаш мезонини тез-тез ўзгартириб туришади.

— Бу мезон идора ходимлари иш ҳақига ҳам салбий таъсир кўрсатяптими? — мурожаат қилдик бош инженерга.

— Йўқ, — дейди Матмуродов, — идора ходимларига қатъий белгиланган иш ҳақи бор.

— Нега энди, ахир хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида идорадаги мутахассислар-у, раҳбар ходимларнинг ойлик иш ҳақи ишнинг пировард натижасига боғлиқ бўлиши керакку?!

— Тўғрику-я, лекин биз олдин қанча ойлик олган бўлсак, ҳозир ҳам шунча оляпмиз.

Ана холос! Иқтисодий инқироздан, хўжакўрсинга жорий этилган хўжалик ҳисобидан, раҳбар ходимлар ва етакчи мутахассисларнинг нўноқлиги туфайли юз бераётган бекор туриб қолишлардан оддий ишчилар, яъни бевосита моддий бойлик яратувчилар зарар кўришяпти. Ваҳоланки, хўжалик ҳисобини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад — ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш! Агар фабрика директори бошлиқ раҳбар ходимлар ҳамда етакчи мутахассисларнинг иш ҳақлари ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан боғлиқ қилиб қўйилганида эди, корхонада бу даражада аянчли аҳвол юз бермаган бўларди. Қатъий белгиланган иш ҳақи олувчилар эса бу даражада нўноқлик, ўзибўларчилик ва масъулиятсизлик дардига мубтало бўлишмаган бўларди.

Кўплаб ускуналар бекор туриб қолаётганлигига, носозликлар кўпайиб бораётганлигига ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигига фақат эҳтиёт қисмлар етишмаётганлиги сабабчими?

— Албатта, бошқа сабаблари ҳам бор, — дейишди тўқувчи қизлар. — Масалан, ўзимизда хом ашё сифатсиз тайёрланади. Ускуналар тез-тез бузилиб қолишига ана шу брак хом ашё билан ишлаётганлигимиз ҳам сабабчи. Бунинг учун бировни айблашга ҳаққимиз йўқ.

— Бу фикрга нима дейсиз? — деб смена мастерига юзландик.

— Қизлар тўғри гапиряпти, кўпинча хом ашё сифатсиз бўлади. Бунга фабрикамизнинг тайёрлов цехи айбдор. Хом ашё тайёрлашда елим кўпроқ ёки озроқ қўшилади, — дейди Баҳодир Ҳайитбоев.

Анвар Матмуродов суҳбатга қўшиларкан, изоҳ бериб деди:

— Бу гапда жон бор, албатта. Ўзимизда электр билан таъминланишни меъёрига солиб турадиган автомат бўлмаганидан кейин босим гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб, оқибатда сифатсиз хом ашё тайёрланяпти. Босимни кучайтирамиз, деб кўп ускуналарни, электр двигателларни куйдирдик. Паст босим билан эса елим учун зарур бўлган буғни ҳосил қилиб бўлмайди. Шунинг натижасида сифатсиз хом ашё тайёрланяпти. Бу ўз навбатида ускуналарнинг ишлашига меҳнат унумдорлигига, айниқса, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатяпти.

Бундан чиқди, эҳтимол Андижон ип-газлама комбинати сифатсиз маҳсулот олаётганлиги учун унинг ҳақини тўлашни пайсалга солаётгандир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Енгил саноат министрлигининг ҳакамлиги зарурга ўхшайди. Корхоналарнинг бир-бирларига панд бериши охир-оқибатда хўжалик ҳисобининг илдизига болта уради. Манғит ип йигирув-тўқув фабрикасида технология интизоми ҳам қўпол равишда бузилаётган экан, шубҳасиз, бу ишлаб чиқаришни бутунлай издан чиқаришга олиб келади. Корхона зарур кучланишдаги электр қуввати билан бир текис таъминланмаётганлиги масаласига келсак, буни ноҳия ёки вилоят миқёсида ҳал қилса бўлади-ку! Наҳотки, маҳаллий ҳокимият органлари бу борада фабрикага ёрдам кўрсатишнинг уддасидан чиқишолмаса?!

Суҳбатимиз сўнггида Гавҳар Бозорбоева шундай деди:

— Шаҳримизда фабрикамизга келиб ишлаш иштиёқида юрган қизлар кўп. Ҳатто, қишлоқлардан қатнаб ишламоқчи бўлганлар бор. Лекин мана, кўрганингиздай, фабрикамизнинг иши юришмай турибди. Бундай аҳволда ўзимизнинг ҳам ишлаб кетишимиз гумон.

— Кетиш истагида юрганлар кўпми?

— Кўп. Лекин қаёққа ҳам боришарди — бошқа жойда иш йўқ.

— Шу 50-60 сўмга ишлаб юришаверади-да?..

— Шундай. Бошқа иложи бўлмаганидан кейин..

Инқирозга юз тутган фабрикадаги ҳақиқий аҳвол ана шундай. Атиги 55 фоиз қувват билан ишлаётган корхона ишчилари ўз ишларидан мамнун эмаслар. Қарийб 800 кишининг эссиз иш вақтига, бой берилган имкониятга, йўқотилган сўмларга, ҳаракатсиз турган қимматбаҳо ускуналарга, қолаверса, олдиларида шундай катта фабрика бўла туриб, ишсиз юрган ёшларга ачинасан киши. Корхона ҳеч бўлмаганда 80-90 фоиз қувват билан ишлаганда эди, яна камида 500-600 нафар ёшни иш билан таъминлаш учун имконият яратилган бўларди. Биз олган маълумотга қараганда, корхонанинг ҳозирги ишлаб чиқариш қувватининг ўзида 52 ишчи ўрни бўш турибди. Хўш, нега? Ахир шаҳарда ишлашни хоҳловчи ёшлар кўп-ку! Демак, фабрика фаолиятини назорат қиладиган, ёшларни ўқитиб, тайёрлаб ишлаб чиқаришга жалб этишдек муҳим ижтимоий масала билан жиддийроқ шуғулланадиган ташкилотнинг ўзи йўқ. Инқирознинг боиси ҳам шундан.

Қорақалпоғистондан жўнаб кетишдан олдин яна Амин Ҳамроевич Тожиев ҳузурида бўлдик.

— Бошқа корхоналаримизда аҳвол бундан ҳам ташвишли. Янги ишчи ўринларни ташкил қилиш, қувватларни ошириш, қолоқликни тугатиш, зарур шароитларни яратиш билан боғлиқ ишларимиз кўп. Фабрикаларимизда юз берган аҳволдан нафақат биз, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги раҳбарлари ҳам тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

Биз ҳам шундай фикрдамиз.

Иброҳим НОРМАТОВ.
Нукус — Тошкент.

ЎзТАГ мухбирлари хабар қилади

ЧИМБОЙ ёғ-экстракция заводининг ўсимлик ёғини тозалаш цехи кўп йиллик танаффусдан кейин яна ишлай бошлади. Дастлабки 500 тонна маҳсулотни сотишнинг ўзиёқ Қорақалпоғистоннинг озиқ-овқат магазинлари пештахталарида ёғ тақчиллигини тугатиш имконини берди.

Бир неча йил муқаддам бу цехнинг ишдан тўхташи корхона даромадини сезиларли даражада камайтириб юборган эди. Янги шароитларда ишлай бошланганида корхона зарар кўра бошлади. Собиқ смена мастери, ҳозир эса цех раҳбари бўлган Қаллибек Сеитов заводга юқоридан тиқиштирилган қарорнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан саводсизларча қабул қилинганлигини исботлаш учун анчагина куч ва вақт сарфлади. Ўзларининг илгариги иш жойларига қайтиб келган ишчилар ва мутахассислар тўхтатиб қўйилган технологик линияга қисқа муддат ичида жон ато этдилар.

Ишлаб чиқариш йиллик программасига мувофиқ биринчи кварталдаёқ цехнинг қуввати кечаю кундуз ишлашга ўтилиши ҳисобига камида уч баравар ортади.

* * *

ФАРҲОД посёлкасида ёғочга ишлов бериш заводи қурила бошланди. Шу йил янги корхона ишга туширилганидан кейин Самарқанд вилоят матлубот жамияти «Промстройматериали» бирлашмасининг қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш имкониятлари анча кенгаяди. Завод уй қураётганларнинг шахсий буюртмалари билан эшик ва дераза ромлари, эшиклар, часпаклар тайёрлайди.

Ҳозирча эса бу ерда ҳарсанг тош кони ишлаб турибди. Яна ажойиб қурилиш материали бўлган чиғаноқ тош олинадиган конни очиш ҳам режалаштирилган.

* * *

ҚИШ ҚИЛИЧИНИ эндигина ялонғочлаб келяпти. Поп ноҳиясидаги «Ленинград» колхозида эса янги боғлар яратиладиган ерларга ишлов бера бошладилар. Колхоз асосан пахтачилик билан шуғулланади, айни вақтда аввалги йилларда бўш ётган 40 гектар ер текисланиб, кўчат экиш учун тайёрланмоқда. Бу ерга 4 минг туп ўрик, олма, бодом кўчатлари экилиб, боғ яратилади.

Поп ноҳиясидаги бошқа хўжаликларда ҳам шундай иш қилиняпти — бу йил ноҳияда қўшимча минг гектар ер боғлар яратиш учун ажратиб берилади.

* * *

«УЗХЛОПКОПРОМ» бирлашмаси Хонқа, Боғот, ва Хива пахта тозалаш заводлари меҳнаткашлари учун тўрт минг сўмдан мукофот пули ажратди. Паст навли пахтани қайта ишлашни муваффақиятли тугатганликлари ва юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришганликлари — хом ашё табиий хоссаларини иложи борича сақлаб қолганликлари учун ташаккур ҳам эълон қилинди. Хива заводининг ишчилари айниқса ўрнак кўрсатдилар. Улар ўзлари тўқимачиларга юборган учинчи ва тўртинчи навли уч минг тонна тола учун биронта ҳам шикоят олганлари йўқ.

Хоразм вилоятининг бошқа корхоналарида ҳам паст сифатли пахтадан тўқимачилик хом ашёсини қайта ишлаш ниҳоясига етказилмоқда. Шундай йўл билан маҳсулот сифатига кафолот берилади, пахта тойлари узоқ муддат сақланиши ва унинг бузилиши истисно этилади.

Жумҳурият янгиликлари

ЯНГИ ЙИЛНИНГ дастлабки кунларидаёқ Наманган бадиий буюмлар фабрикаси ходималари ўзлаштирган янги турдаги маҳсулотлар дўконларнинг пештахталарида пайдо бўлди. Чақалоқларга мўлжалланган комплектлар, икки хил чойшаб, кўйлакчалар кўпчиликка манзур бўлди.

Ушбу буюмлар кўплаб ишлаб чиқарила бошлаши билан корхона маҳсулот турларини янгилаш планини учдан бир ҳисса бажариб қўйди. Лекин фабрика ходимлари ана шу кўрсаткич билан қаноатланиб қолмоқчи эмаслар. Бу ерда энг аввало харидорларнинг эҳтиёжини ҳисобга олишади. Бунда коллектив қўшимча хушбичим буюмларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида орттирган бой тажриба ёрдам бермоқда. Масалан, ўтган йили пландаги 11 хил буюм ўрнига 38 хил буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу мавсумда ҳам буюмлар турини пландан ташқари кенгайтириш ниятидадирлар. Бу ишда марказий технология лабораторияси ходимлари жуда яхши ёрдам беришмоқда. Лаборатория ходимлари улар билан ҳамкорлик қилиш учун анъанавий шарқ ҳунармандчилиги сирларини биладиган халқ усталари жалб этилганидан сўнг, айниқса кўплаб қизиқарли ғояларни илгари сурадиган бўлдилар.

* * *

«ТАШГИПРОТРАНС» институти Ўзбекистоннинг асосий темир йўл дарвозаси — Тошкент марказий темир йўл бекатини таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди. Иситиш ва алоқа системаларини такомиллаштириш, ички ҳовлиларни йўловчилар учун янада мослаштириш, бошқа бир қанча ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Айни вақтда темир йўл бекати ходимлари кооперативлар билан ҳамкорлик қилиб, йўловчиларга янада кўпроқ хизмат қила бошладилар. Бу эса шикоят ва эътирозларни икки баравар камайтиришга ёрдам берди. «Депутатлар зали» деб аталган зал қайта жиҳозлангач, озгина ҳақ эвазига умумий тарзда фойдаланиш учун очиб қўйилди. Оналар ва болалар хонаси ремонт қилинди, пойабзал устахонаси, холис хизмат бюроси очилган. Хонадонларга билет етказиб берадиган машиналар, бўш вақтларда такси сифатида ишламоқда, натижада қўшимча фойда олинмоқда. Ижарачи кооператорлар темир йўл бекатида ишлаб топган даромадларнинг бир қисмини темирйўлчилар ҳисобига ўтказишмоқда. Темирйўлчилар ойига юз минг сўмгача пул олишмоқда.

Темир йўл бекатида ҳарбийлар учун алоҳида зал қурилмоқда. Залда билет кассаларигина эмас, айни вақтда агитпункт, видеосалон, солдат кийимидаги йўловчилар учун бошқа хизмат турлари ҳам бўлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ, КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ, КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИ УЧУН

Ҳалок бўлган милиция ходимлари ва ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларининг оилаларига ёрдам бериш умумиттифоқ фонди счетининг тўла маълумотларини хабар қиламиз!

Москва шаҳри, СССР уй-жой-ижтимоий банки, «Опера» 700881 счет (МФО 299093-сон).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

МУЗЕЙЛАР НЕГА БЎМ-БЎШ?

Охирги марта музейга қачон боргансиз? Бу саволни ҳеч ўзингизга бериб кўрганмисиз? Шаҳримиз музейлари атрофини бир кўздан кечиринг. Кўпроқ кимларни учратасиз? «Интурист» автобусларини, чет эл делегацияларини... Худди музейларимиз хорижий меҳмонлар учун қурилгандек.

Кейинги пайтларда миллий маданиятимиз, урф-одатларимизга эътибор кучайди. Лекин мактаб ўқувчисидан сўрасангиз Петр I нинг Петербургга асос солгани-ю, ўлимидан олдин нималар деганигача, бўлмиш майда икир-чикирларигача айтиб беради. Самарқандга, Бухорога, Хивага ким асос солган — бу ҳақида ломмим дейиш йўқ. Муқанна ким-у, Жалолиддин ким — қаловланади. Шундай бўлгач, дўппимиздан кўра Василий Мономахнинг қалпоғи ҳақида кенгроқ тасаввурга эга эканлигимиз ажабланарли ҳол эмас.

ТАРИХИМИЗ алғов-далғов бўлиб турган бир пайтда аниқроқ маълумотлар олиш учун Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейига бордик.

«МУЗЕЙ АВАРИЯ ҲОЛАТИДА. КАПИТАЛ РЕМОНТ ТУФАЙЛИ УЗОҚ МУДДАТГА БЕРКИТИЛГАН». Бу эълонни жумҳуриятимизнинг энг тўнғич (1876 йил очилган) Ойбек номидаги ЎзССР халқлари тарихи музейининг эшигида ўқидик. Сабабини билиш учун ичкарига кирамиз. Музейнинг катта илмий ходими Манноп ака Султонов бизни кутиб олдилар. Йўл-йўлакай бинони кўздан кечирамиз — деворнинг, йўлакларнинг икки-уч жойида бир қаричдан ёриқлар ҳосил бўлган, бинонинг бир томони чўккан.

Музей биносини текшириш учун тузилган сейсмологик комиссия уни мутлақо яроқсиз деб топди. Музей 1988 йил апрелидан бери ишламайди.

— Раҳбарлар биладими?

— Билганда қандоқ. 1977 йилда Ш. Рашидов келиб, янги бино бериш тўғрисида кўрсатма берган. Кейин И. Усмонхўжаев ваъда қилди. Ўтган йил апрелида эса Р. Нишонов келиб, ёнимиздаги вилоят ижроқўми биносини 40 кун ичида музейга бўшатиб бериш тўғрисида кўрсатма бериб кетди. Лекин мана 5 ой бўлаётибдики, ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Музейнинг ёпиқлиги сабаб, илмий ходимлар турли тарихий мавзуларда жойларда лекциялар ўқишяпти. Беш маротаба Бухоро, Қашқадарё, Наманган вилоятларига этнографик экспедиция ўтказишди. Музей қошидаги қидириш группаси социализм қурилиши давридаги «оқ доғлар»ни ўрганишга киришди, «Қудратимиз дўстликда» деб номланган кўчма кўргазмани 8 ой ичида 168 минг одам бориб кўрган. Москва ва Киев музейларида ҳам кўргазмалар ташкил қилинган. (Киев музейининг ўзидагина 3 кун давомида 100 минг киши Ўзбекистон тарихидан баҳраманд бўлган).

8 сентябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент вилояти халқ депутатлари Совети ижроия қўмитасининг биносини бўшатиб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Лекин ҳали амалга ошгани йўқ.

Янги бинонинг қурилиши кейинги беш йилликка мўлжалланган экан. Наҳотки, Тошкентдек шаҳри азимда аждодларимиз, тарихимиз ҳаққи-ҳурмати учун вақтинчалик бўлса ҳам бино топилмаса?!

ЗИНАДАН битта-битта кўтариламиз. Музей ҳашаматли, кўркам бинода жойлашган экан.

Экспозицияларни кўздан кечирамиз. (Ҳамроҳимиз — экскурсия раҳбари Феруза Расулова).

Афсуски, экспозицияларда ёритилган фактлар ҳамда Ф. Расулова айтаётган гапларга замон руҳи сингмаган. Россиянинг Туркистонни ишғол қилиши борми, социализм қурилишида йўл қўйилган хатолар-у, пахта яккаҳокимлигидан тортиб миллатлараро тўқнашувлар — ҳеч бири ҳақида янги маълумотлар йўқ.

— Экспозицияларни 1991 йилда янгилаймиз. Ҳозирча бунга имкониятимиз ҳам, иложимиз ҳам йўқ. Тарихчилар ўтмишимиз тўғрисида бир фикрга келишмагунча, бизнинг қўлимиздан ҳеч нима келмайди, — дейди музей директорининг ўринбосари О. Спейский.

Экспозицияларда берилган изоҳлар аввал рус тилида, сўнгра ўзбек тилида ёзилган. «Бу ерда ажойиб канал қурилишининг ўзигина (?) аҳамиятли бўлмай, балки бу почин, бошлаб бериш аҳамиятлидир. Ўзбек халқининг бу почини шунинг учун ҳам қимматлидирки, уни бутун Совет Иттифоқи колхозчи-деҳқонлари қабул қилиб олмоқдалар».

Бирон нима англадингизми? Йўқ. Мен ҳам. Ҳайрон бўлиб рус тилидагисини ўқийман. Ҳа, энди тушундим. Менимча, таржимон бу билан «Агар керак бўлса тепасидагини ўқиб олавер...» дегандай. Ана, маърифат масканида она тилимизга бўлинаётган муносабат!

«Саводсиз (!) киши сиёсатдан четда туради. Унга аввало алифбени ўргатмоқ керак». В. И. Лениннинг саводсизлик тўғрисида айтган бу сўзларининг ўзбекча таржимасини ўқиб, бир куйсам, бир кулгим келади. Аслида, таржимоннинг ўзи ўзбек алифбесини ўрганишга муҳтожга ўхшаб қолди. Бундай хатоликлар жуда ҳам кўплигидан қай бирини айтишни ҳам билмай қолдим.

Яна Олег Борисовичга мурожаат қиламиз: «Бу гапларни ким таржима қилган?»

— Партия тарихи институтидагилар, кимлиги эсимда йўқ.

— Анчадан бери шу аҳволдами?

— 1986 йилдан бери.

— Музей ишини яхшилаш учун нима қилиш керак?

— Замонавий техник жиҳозлар зарур. Пул йўқлигидан видеосалон ташкил этдик. Ҳозир ишимиз анча дуруст: Корея Халқ Демократик Республикаси кўргазмасини очганмиз. Кўргазмадаги буюмлар савдога қўйилган. Кейинчалик ҳам шундай кўргазмалар очиш ниятидамиз.

Тарих музейида ҳам, Халқлар Дўстлиги музейида ишим юришмади. На ўтмишимиз, на миллий муносабатлар ҳақида тўлиқ маълумот ололганим йўқ. Ҳафсалам пир бўлиб, табиат музейига йўл олдим.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, табиий бойликлари, сайёрамизнинг қандай пайдо бўлгани-ю, инсон эволюцияси, ибтидоий одамларнинг ҳаёт тарзи, ўсимлик селекцияси, генетика — буларнинг барчаси жуда ҳаётий тасвирланган. Бироқ табиатни муҳофаза қилиш мавзуси учун жуда кичик жой ажратилган. Хонани кўздан кечираман. Деворда СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Советининг қарор ва фармонлари, СССР Жиноий Кодекси, СССР Конституциясининг моддалари ва шунга ўхшаш матнлар...

На Орол ҳақида, на заҳарланган ҳаво, ер ҳақида материаллар бор. Ахир аёлларимизнинг 70 фоизида анимия касаллигининг борлиги, йил давомида 33 минг чақалоқ нобуд бўлаётганлиги — буларнинг ҳаммаси экологик танглик оқибатлари эмасми?

Нима учун қуриб бораётган уммонимиз, гиёвандга айланган еримиз, заҳарланган ҳавоимиз ҳақида ҳеч гап йўқ? Лоақал фармон ва қарорлар ўрнига ана шу экологик муаммолар ёритилса бўлмасмиди?!

Шундай фикр-ўйлар билан музей ходимларини қидираман. Илмий-маърифий ишлар бўлимининг бошлиғи Л. Арзамасова бу ҳолга шундай баҳо беради:

— Янги экспозиция тайёрлаш осон иш эмас. Бу кўп вақт талаб қилади. Қолаверса, жой масаласи ҳам ечилмаган.

— Наҳотки шу пайтгача Орол муаммоси ҳақида экспозиция тайёрлашнинг иложи бўлмади? — сўраймиз Лилия Георгиевнадан.

— Орол денгизи ҳақида экспозиция йилнинг охирига тайёр бўлиб қолса керак. Табиат институтидагилар ёрдам кўрсатишга ваъда беришган. Уларда бир қанча материаллар ҳамда Оролнинг космосдан олинган фотосуратлари бор экан.

— Ёрдам сўраб шахсан кимга мурожаат қилгансизлар?

— Кимлигини билмайман.

— Институтнинг ўзи қаерда жойлашган?

— Аниқ билмайман, менимча, Ленин майдонида бўлса керак.

Бундай ноаниқ жавобларни эшитиб, ҳайрон бўлдим. Лилия Георгиевна тушунтиришга ҳаракат қиладилар:

— Ходимимизнинг (у ҳозир отпускада экан) табиат институтида танишлари бор. Отпускадан келгач, маълум бўлади...

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги Адабиёт музейидамиз. Қоронғу заллар. Навоий, Бобур, Лутфий ҳайкаллари сукут сақлаб турибди. Музейда ҳеч ким йўқ.

— Музей штати нечта одамдан иборат? — сўраймиз мудира Ойниса Абдураҳимовадан.

— 7 киши: 2 илмий ходим, 2 зал қаровчилари, рассом ва кассир.

— Ходимлар етишмас экан, бирон чора кўрмадингизми?

— Музей Фанлар академияси қарамоғида. 1979 йилдан бери хўжалик ҳисобидамиз. Ўзимизни маблағ билан таъминлашга қурбимиз етмайди. План бажарилмагач, штат ҳам қисқараверар экан. На кўчма кўргазма ташкил қила олсак, на бошқа жумҳурият музейларига тажриба алмашишга бора олсак, кирувчилар сони қандай ҳам ошсин?!

Бошқа савол беришга ўрин қолмади.

Йўлда кетаяпман-у ўйга толдим: нима учун музейларимиз бундай аҳволга тушиб қолди? Нима учун уларга эътибор кам?

Саволларга жавоб қидираман. Шундай ўйлар билан кетаётганимда, айримлар мени бир неча бор тўхтатишиб, ГУМ қаерда, ЦУМ қаерда, бозор қаерда жойлашганини сўраб, саволга тутишди. Уларга йўл кўрсатиб юбордим-у, хаёлимга бир фикр келди. Нима учун улардан ҳеч бири «Фалон музей қаерда жойлашган?» деб сўрамади? Балки одамларнинг музейларга бориши учун вақт етишмас, балки имкониятлари йўқдир. Ахир уларни айблашдан аввал, бунинг ҳам сабабини ахтариш керак. Хоҳлайсизми, йўқми бунинг илдизи иқтисодга бориб тақалар экан. Тасаввур қилинг: қорнингиз оч, чанқагансиз — шу пайт «Тановар» янграды. Уни берилиб тинглашга сизда истак, майл туғиладими? Ахир куй билан қорин тўйғизиб бўлмайди-ку.

Йўқ, мен оч-яланғочмиз, демоқчи эмасман. Лекин баъзи маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 9 миллион кишининг турмуш тарзи қашшоқлик даражасидан ҳам паст. Хўш, бу бечоралар ўз тирикчилигини, бола-чақасини ўйласинми, ёки музейларга бориб маънавий озуқа олсинми?

Бу сабаб ҳам жуда муҳим, албатта. Лекин балки яна бошқа сабаблар бордир. Яқинда дам олишда Трусковец шаҳрида бўлдим. Йўлим Москва орқали ўтганлиги учун пойтахтда бир кун қолишга тўғри келди. Вокзалдан чиқар эканман «Икарус» автобуси ёнида бир йигитнинг микрофонда меҳмонларни шаҳар томошасига таклиф қилаётганини кўрдим. Кўз очиб юмгунча автобус томошабин билан тўлди.

Трусковецда бўлганимда у ернинг музей, ёдгорликларини томоша қилиб кўнглим кўтарилди. Қани энди бизда ҳам шундай бўлса, кичкинагина курорт шаҳарчаси — уни кўпи билан бир соатда айланиб чиқиш мумкин. Худди шу шаҳарчанинг хиёбонида эрталаб 8 дан кеч соат 6 гача микрофонда экскурсияга таклиф қилаётганларнинг, театр томошалари, музейларга ва бошқа зиёратгоҳ масканларга таклиф қилаётган масъул кишиларнинг овози тинмайди. Атрофда шаҳарнинг кўзга кўринарли жойлари, ёдгорликларини ташвиқ қилувчи реклама пештоқлари. Рекламаларни кўргач, ҳар бир кишининг у ерга боргиси келади.

Бизда-чи? Вокзал ёки аэропортдан чиқишингиз билан «ҳушёр» ва «меҳрибон» ҳайдовчилардан бошқа ҳеч ким қарши олмайди. «Ахир бу Москва!» демоқчисиз, тўғрими? Ҳа, майли. Бўлмаса, Трусковец-чи? Ўйлаб кўринг: шаҳримизнинг Москва ёки Трусковецдан қаери кам? У жумҳуриятимиз пойтахти. Музейлар, ёдгорликлар шаҳри эканлигини ким инкор қила олади.

Украинада бўлганимда яна шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Музейга келган ҳар бир кишининг қўлига анкета қоғозлари тутқазишар экан. Ҳар бир киши музей экспонатлари, материаллари тўғрисида ўз фикрини билдиради. Ходимлар эса ўз навбатида анкеталар билан танишиб чиқиб, уларга мувофиқ равишда ишни яхшилар эканлар.

Чунки улар музейни катта ифтихор, бойлик, хазина деб тушунишади. Биз эса бойлик деганда бошқа нарсани кўз олдимизга келтирамиз. Бор гап ҳам, бор фарқ ҳам шунда.

Дилфуза НАБИХЎЖАЕВА,
ТошДУ журналистика факультетининг талабаси.

Биз — байналмилалчилармиз!

НИНА ХОЛАМ...

Соат миллари аста-секин айланади Секундлар... минутлар... соатлар... Умид ва ишончларга, орзу-ю армонларга тўлиқ бўлган ҳафталар, ойлар ўтаверади. Ўтган кунлар ёдга тушганда эса юрагинг орзиқадиган шириңгина хотирага айланади.

Яқинда уйимизга Киевдан бир мактуб келди. Унинг устига «Киев шаҳри, Нина Резуновадан» деб ёзиб қўйилганди. Ҳар сафар Киевдан хат келганида отам аллақандай ўзгариб қоладилар. Балки бу мактублар сабаб у хаёлан сурони йилларга қайтар, қонга беланган даралар ёдига тушиб, юрагини эзғилар.

Киевлик Нина исмли аёл ҳақида кўп ўқиган, у ҳақда ҳатто китоб ёзилаётганини эшитган эдим. Нина Ивановнанинг ўзи билан учрашиш ва суҳбатдош бўлиш мен учун орзу эди. Салкам қирқ йилдан сўнг қайта тикланган дўстлик кўпригининг шоҳиди бўлиш кимга қувонч бахш этмайди дейсиз.

Москва Давлат театр санъати олий ўқув юртининг талабаси Мирзамурод Олимов кўнглида эндигина журналистикага меҳр уйғонаётган пайтда иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Мирзамурод қўлида қурол ва қалам билан душманга қарши курашишга аҳд қилди. У қаерда бўлмасин, фронт, армия, қисм газеталарида ўз мақолалари билан қатнашиб турди. «Полярная правда», «Часовой севера», «В бой за Родину», «Советский патриот» ва бошқа газеталарда босилган юздан ортиқ хабар, мақолалар мен учун қанчалик бойлик эканлигини билсангиз эди. Сарғая бошлаган варақларни кўздан кечирар эканман, икки мактуб айниқса диққатимни тортди.

«1943 йили 8 Март байрами муносабати билан Тошкентдаги опам номига ёзган табрикномам Москва радиоси орқали берилгач, қисмимизга бирин-кетин хатлар кела бошлади», — деб ёзади отам ўзининг хотираларида. Улар орасида украиналик Нинанинг ҳам мактуби бор эди. Украин тилида ёзилган бу мактуб қисмдаги ҳар бир жангчи қалбини ларзага солди:

«Бир йилдан бери ўз диёримдан узоқдаман. Она-Ватаним Украинани жуда-жуда соғиндим. Қанийди, қанотим бўлса-ю, учиб бориб бир зумгина бахтиқаро тупроғимга тўйиб боқсам...

Азиз юртдошим! Азоб-уқубатда қолган Ватаним учун, таҳқирланаётган маданиятимиз учун, озодлик курашчиси Тарас Шевченко қабри топталаётгани учун, қизларимизнинг соғинчлари-ю, онаизорларимизнинг ғам-ғуссалари, Севастополь остонасида ҳалок бўлган севгилим — ҳамма-ҳаммаси учун ер ютқур фашист газандаларидан қасос ол!..

Агар сенинг севикли ёринг бўлса, билгин, у сени ғалаба билан кутаяпти, агар онанг бўлса, билгин, эрксизликдан халос этишингга умидвор. Украина хотин-қизларининг муҳаббати, барча умиди, ҳаёт-мамоти учун, бахт-саодат учун, адолат учун курашаётган сендек солдатга қаратилган.

Иложи борича кўпроқ душманни қақшатиб, юртингга қайтишингга, туғишганларинг ва севикли ёринг билан учрашув насиб этишига тилакдошман. Тани-сиҳатлик, омад доимо ҳамроҳинг бўлсин...

Нина Резунова.

Марий АССР, Йошкор-Ола шаҳри».

Отам хизмат қилган ўша ротада, қарангки украиналик ҳеч ким йўқ экан. Қийнала-қийнала украин тилида битилган ушбу номани ўқигач, у жавоб йўллашга аҳд қилади. Нинанинг мактубини ва ўз жавоб хатини «Комсомольская правда» рўзномасига йўллайди. 1943 йилнинг 29 апрелида «Комсомольская правда» ушбу мактубларни эълон қилади.

Жавоб хатидан:

«Азиз украиналик синглим! Биз сен билан ҳеч қачон учрашмаганмиз ва бундан сўнг ҳам учрашиш насиб этадими ё йўқми, билмадим. Аммо сенинг мактубинг юрагимни ўртаб юборди. У энг яқин кишим ва жигарбандим томонидан айтилган чақириқ бўлиб эшитилди. Эҳтимол, бу туйғу фақат бизнинг совет кишиларига хосдир ёки халқлар бирдамлигининг рамзи бўлса керак.

Мен Украина осмонини ҳеч кўрмаганман, Днепр тўлқинларида қулоч отиб ҳеч сузмаганман, унинг қишлоқларидаги олчазорлар оралаб кезмаганман. Бироқ булар тўғрисида кўп ўқиган, эшитганман. Ёшлигимдан фақат ўзбеклар қишлоғигина эмас, балки украин қишлоғи ҳам, олис Сибирь ҳам, Камчаткадаги балиқчилар шаҳарчаси ҳам менга Ватан эканлиги ҳақидаги тушунча юрагимга сингиб кетган. Украина ҳануз немислар жабр-зулми остида қолиб келаётганини кўз олдимга келтирар эканман, фашистлар худди менинг хонадонимни топтаётгандек, узумзор, ўрикзорларимни яксон этаётгандек этим жимирлаб кетади.

Ватан, халқим мени узоқ ўлкаларга юборди. Ўзбекистонимдан ҳам, Украинадан ҳам минглаб чақиримлар нарида жанг қиляпмиз. Душман билан Қутб яқинидаги ерларда, тоғу тошликлар ва музликларда курашишга тўғри келяпти.

Сенга бахт-саодат тилайман, азизам Нина. Ватанимиз озодлиги йўлида қилаётган меҳнатингда муваффақиятлар тилайман.

Қизил аскар Мирзамурод Олимов.

Жангоҳ почтаси 401,577 қисм».

Уруш тугагач, Тошкентга қайтган отам ваъдасига вафо қилиб, Йошкар-Олага мактуб йўллайди. Тез орада «Резунова сиз кўрсатган адресда яшамайди», деган жавоб келади. Ҳақиқий фамилиясини билмай туриб, Нинани Киевдан ахтаришнинг ҳожати қолмаганди.

1982 йил 9 май куни «Правда Востока» саҳифасида киевлик журналист С. Заславскийнинг «Нина Киевда, Мирза қаерда?» деган мақоласи эълон қилинади. Ҳа, бу кун бизнинг ёдимизда отамизга қувонч ҳадя этган кун сифатида қолди. Чунки қидирилаётган Мирза менинг отам эди. Орадан етти кун ўтгач, журналист О. Ёқубовнинг «Мирза Тошкентда» деган жавоб мақоласи босилиб чиқди.

Мана, мен қадимий ва кўҳна Киевдаман. Бугун у ўзгача тароватли эди. Нина Ивановна билан телефон орқали суҳбатлашиб бўлгач, шаҳар чеккасида жойлашган Шчербакова кўчаси томон йўл олдим.

Ёшлари етмишларга бориб қолган, ориққина, оқ сочлари ўзига нуроний тус бериб турган мунис бир онахон мени қарши олди. Унинг чеҳрасидан табассум аримаса-да, кўзларида ҳорғинлик, ҳаёт ташвишлари шундоқ кўриниб турарди.

Нина Ивановна совет халқининг улкан ғалабасига муносиб ҳисса қўшган минглаб аёлларнинг бири. 1941 йилда Киевдан Йошкар-Олага эвакуация қилинган заводда меҳнат қила бошлайди. Бошқа аёллар билан биргаликда фронтга иссиқ кийимлар, озиқ-овқатлар жўнатиб турарди. Ўз дугоналари билан ажойиб бир ишга бел боғлайди. Шахсий ташаббуси билан уч мингга яқин таниш ва нотаниш жангчига хат ёзиб, хат олиб туради. Энг қизиғи шундаки, мактублар украин, рус, бошқирд ва бошқа тилларда битиларди. Нина холанинг рухсати билан мен бир нечта мактуб, суратлар билан танишиб чиқдим. Улар қанчалар мазмундор, қанчалар таъсирли эканлигини билсангиз эди.

Нина Ивановнанинг умр йўлдоши Михаил Ткаченко яқинда дунёдан кўз юмибди. Қизи Татьяна ва куёви Чернобиль атом электр станциясида ишлашар экан. Ҳозир улар ҳам Киевда, жажжи Наташани катта қилишмоқда.

Меҳмондўст Ткаченколар оиласида икки кун бўлдим. Улар ҳақида кўп яхши гапларни қўни-қўшниларидан эшитдим. Инсонлар бахт-саодатига бағишида этилган бу ҳаёт йўли ҳақида менга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, одессалик Прасковья Емельяновна Макарова ҳам ҳикоя қилиб берди. У ўшанда дугонаси Нинанинг уйида меҳмонда эди.

Азалдан узоқ сафарларга отланганимизда, ҳамроҳ бўлар деб онам бизга ўзбек тандирининг нонларидан ёпиб берадилар.

Мен ана шу нонлардан иккитасини олиб Нина хола тузаган дастурхон устига қўйдим. У киши нонларнинг бирини ушатди-да, иккинчисини кўзига суртиб, «онангиздан эсдалик» дея токча устига олиб қўйди...

Биз узоқ суҳбатлашдик. Мени йўлга кузата туриб, бехосдан кўзига ёш олди: «Мен яна бир ўзбеклар оиласи билан яқиндан дўстлашганимдан жуда мамнунман. Ўзбекистон билан Украинанинг ораси, ҳақиқатан ҳам, жуда узоқ. Лекин ўйлайманки, халқларимиз орасидаги дўстлик бу йироқликни яқинлаштиради. Дўстлигимиз пойдевори мустаҳкам бўлиб бораверсин. Биз ахир ана шунинг учун курашдик!..»

Нина Ивановнанинг ҳикояларини тинглаб туриб, беихтиёр отам ёдимга тушди. Ўзбек йигити ва украин қизини инсоний меҳрибонлик, ватанпарварлик туйғулари дўстлаштирди. Ана шу дўстлик биз — уларнинг фарзандлари ўртасида ҳам давом этишини жуда истайман.

Равшан АЛИМОВ.



Илҳом Совет Армияси сафига чақирилгунча Андижон вилоятининг Олтинкўл ноҳиясидаги 46-ўрта мактабда таҳсил олган эди. Унинг чекига Афғонистонда хизмат қилиш тушди. У байналмилал бурчини адо этаётиб, ҳалок бўлди.

Мактабдошлари Илҳом Каримов номини абадийлаштириш мақсадида, у ўқиган билим даргоҳига яқинда унинг номи берилди.

СУРАТДА: марҳум Илҳом Каримовнинг укаси Иқбол мактаб ўқувчиларига акаси ҳақида ўз хотираларини сўзлаб бермоқда.

Сураткаш **А. МИРЗАЖОНОВ.**

Мулоқот — Саволлар беринг!

Қандай саволлар жавобсиз қолди?

Ўтган йилда «Мулоқот»га телефон орқали берилган саволлардан ва табрик мактубларидан ташқари ҳаммаси бўлиб муштарийлардан 1100 дан ортиқ савол ёзилган 938 та хат келди. Лекин бу саволларнинг кўпчилиги газетхон томонидан чуқур ўйланиб, мулоҳаза қилиб берилган эмас. Ваҳоланки, «Мулоқот»ни ташкил қилганда берилган саволлар кўпчиликни қизиқтирадиган, одамларнинг фикр доирасини кенгайтирадиган бўлишини назарда тутгандик. Кўпинча эса берилган саволларда бунинг акси бўлмоқда.

Мисол учун Андижон вилоятидаги Советобод шаҳрининг Тополино посёлкасида яшовчи С. Абдураҳмонова «ЎзССР қачон ташкил топган?», Избоскан ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида яшовчи Мавлуда Эшматова «Индира Ганди ким?» деган саволлар юборишган.

Фарғона вилояти, Олтиариқ ноҳиясидаги 35-мактабнинг Дилбар Мавлонова, Дилором Қозоқова, Фотима Умарова, Умида Ҳамроалиева, Манзура Темирова, Шаҳноза Фозилова, Ирода Шодиева каби яна бир қанча ўқувчилари редакцияга ўндан ортиқ хат йўллаб, уларнинг ҳар бирида фақат қуйидаги бир саволга жавоб сўрашган: «Фашистлар Германияси Москвага яқинлашганлиги учун В. И. Ленин жасади солинган тобут Горькийга кўчирилган, у қачон олиб келиб қўйилган ва нимада?» Бундай саволларга илгари жавоб берилган эди «Ёш ленинчи»да.

Бундан ташқари «Совун кўпайдими ёки умримизнинг охиригача бир ойда бир маротаба кир ювиб, бет қўлимиз совун кўрмай ўтиб кетадими?», «Кашпировскийнинг даволаш сеанслари яна қачон бўлади?», «Учар ликопчаларда келганларнинг сурати нега газетада босилмайди?», «Канизак Изаура» фильми яна қачон кўрсатилади» каби саволлар кўпчиликни ташкил қилади.

Аммо берилган саволлар ичида кўпчиликни қизиқтирадиган, газетхон ундан ўзига керакли жавобни олиб қониқадигани ҳам жуда кўп. Биз уларни тегишли ташкилотларга, илмий-тадқиқот институтларига, тармоқларига юбориб аниқ жавоб олгач, муштарийларимизга газета саҳифалари орқали етказишга ҳаракат қиламиз.

Қайси партиянинг аъзоси кўп?

Дунёдаги жуда кўп мамлакатларда коммунистик партиялар мавжуд. Шулардан қайси бирида аъзолар сони кўп! Аъзолари камсонли коммунистик партиялар ҳам борми!

С. АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоятининг Шовот ноҳияси.

Ўтган 1989 йилдаги маълумотларга кўра дунёда энг кўп аъзоси бўлган коммунистик партия — Хитой Коммунистик партияси экан. Унинг аъзолари қирқ тўрт миллион кишидан иборатдир. Иккинчи ўринда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси туради. Учинчи ўринда 1985 йилги маълумотларга кўра, 3,5 миллионга яқин аъзоси бўлган Руминия коммунистик партияси туради.

Ундан кейин Югославия, Вьетнам ва Чехословакия партиялари ўрин олишади.

Аъзоси камсонли бўлган Коммунистик партиялар орасида Швеция ва Дания бор.

Йўқ, нотўғри!

Мен кўптонналн «БелАЗ» машинаси ҳайдайман. Ҳамкасбларимдан бирининг айтишича биз ишлаётган ана шу машиналарни японлар сотиб олиб, темир-терсак сифатида қайтадан эритишар эмиш. Шу тўғрими!

Турсун ХИДИРОВ,
Тошкент шаҳри.

Йўқ, нотўғри! Япония шу пайтгача бизнинг мамлакатимиздан бирорта ҳам «БелАЗ» автомашинасини сотиб олган эмас. Уни социалистик ва айрим ривожланаётган мамлакатларгина сотиб олади. Улар иложи борича бу автомобиллардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, ва темир-терсак сифатида қайта ишламайдилар.

Салман Рушди қаерда?

Оятулло Ҳумайний асли келиб чиқиши ҳиндистонлик бўлган британиялик ёзувчи Салман Рушдини «Шайтон суралари» китоби учун ўлим жазосига ҳукм қилганига бир йил бўлди. Бу вақт ичида Оятулло Ҳумайний вафот этди. Салман Рушди ҳали ҳам қочиб юрибдими!

Қобилжон УМАРОВ,
Наманган вилояти.

Ҳа, ўз китобида динига содиқ мусулмонларга қарши гапирганлиги учун Салман Рушдини жисмонан йўқотишга бўлган ҳаракат ҳали ҳам сўнгани эмас.

Рушдининг Лондоннинг Исмингтон районидаги авлиё Петр кўчасига жойлашган уйига келсак, унинг барча эшик ва деразалари аллақачон очилмайдиган қилиб маҳкамлаб ташланган.

Рушдининг қаердалигини унинг собиқ турмуш ўртоғи — америкалик ёзувчи аёл Мариан Уиггинсдан ҳам билиб бўлмаган. Мариан эри билан ажрашгач, яқинда АҚШга қайтиб келган ва «Шайтон сураларининг муаллифининг руҳий аҳволи ҳозир яхши эмас, деган. Ўлим ҳукм чиқарилгандан кейин Рушди яшаш жойини қирқ марта ўзгартирган.

Брежнев раҳбарлигининг бошланғич даврида Варшава Шартномаси мамлакатлари вакиллари мажлисида ғалати бир вазият бўлганди. Ўшанда у ёзиб берилмаган бирдан-бир нутқини ирод қилган. Румыния делегациясини партия раҳбари эмас, Министрлар Советининг Раиси бошқарган ва у умумий ҳужжатни партия раҳбарлари эмас, давлат раҳбарлари имзолашини таклиф қилган. Шунда Леонид Ильич тикан ютгандай сакраб туриб, икки ярим жумла айтиб юборган. Бу тахминан шундай сўзлар эди: «Қандай қилиб? Ҳужжатни мамлакатнинг биринчи одами имзолаши керак... Биринчи одам эса — партия раҳбаридир».

Ўша пайтлар аппаратда Брежневнинг Косигин сентябрь Пленумида қилган маърузаси ҳақидаги гапини айтиб юришарди: «Хўш, у яна нимани ўйлаб топибди? Ислоҳот, ислоҳот... Бу кимга керак, буни ким ҳам тушунарди? Яхши ишлаш керак, мана ҳамма муаммо қаерда».

Айтганча, менинг Брежнев ҳақидаги шахсий таассуротларим бирёқлама бўлиши ҳам мумкин, бунинг устига мен у билан бор-йўғи бир марта гаплашганман. Уни кўпроқ билган одамларнинг баҳосига мурожаат қилайлик.

Масалан, А. Бовиннинг таъкидлашича, Брежневни улкан сиёсий арбоб, деб бўлмайди, рости гап, у дарҳол қўшиб ҳам қўйди, эмишки, унинг кузатишларича, «Брежнев, умуман олганда, ёмон одам бўлган эмас, у кўнгли кенг, оғайниларига садоқатли, бағри кенг, дастурхони очиқ, соҳиби хонадон бўлган». «Овни яхши кўрган... Қўлидан келганча ҳаёт ҳузур-ҳаловатидан баҳра топган».

Бу шунчаки гап орасидаги мулоҳаза. Қўшилиб бўлмайдиган «икки Брежнев» — 70-йиллар ўртасигача ва кейинги ҳақидаги концепциялар гўёки у фаолиятининг бошланишида иқтисодий ва бошқа ислоҳотлар тарафдори бўлган эмиш. Буни тасдиқлаш учун Брежневнинг сентябрь Пленумидаги маърузасидан узундан-узун иқтибос ҳам қилишади, гўё бу унинг қарашини ифодалайдигандай. Аммо бу нарса ўша пайтдаёқ аниқ эди — Брежнев Косигин таклиф қилган иқтисодий ислоҳотга жуда ҳам фаол қаршилик кўрсатган ва унинг айби билан бу ислоҳот чипакка чиққан.

Айни шу Брежнев даврида даҳ-

шатли сўзамоллик авжига чиқди, «унинг» танланган асарлар тўплами зўрға 9 жилдга сиғдирилди. Кўпинча тўғри ва яхши нутқлар сўзланди, аммо ҳеч иш қилинмади. Брежневга нутқ ёзиб берганларнинг қўлидан ҳар қандай самарали ғояни сезилмас бир имо билан йўққа чиқариш келарди. Масалан, 1966 йилда «Правда» газетасида «Ривожланган социалистик жамият қурилиши ҳақида» мақола чоп этилди. Унда, жўяли айтганда, «кенгайтирилган коммунизм қурилиши» шиоридан воз кечиш, бизда ҳали социализмнинг қолоқ шаклларигина барпо этилганини тан олиш бор эди, илмий-техник замонавийлаштирув, бошқарувни такомиллаштириш, демократик ривожланиш зарурати айтилганди. Хўш, «ғоявий сартарошхона»дагилар нима қилдилар?

Улар Брежневнинг оғзига бизда **«аллақачон ривожланган социалистик жамият барпо этилгани»** ҳақидаги кўрсатмани чайнаб солиб қўйдилар. Худди шу жумла СССР Конституциясига ҳам тиркалди. Шундай қилиб, ҳаммаси қуруқ ташвиқотга айлантирилди. «Эртанги» Брежнев пайтида ҳам, «кечкиси» пайтида ҳам шундай бўлганди.

Сиёсат сиёсат бўлмай қолди. Чунки сиёсат — жўяли қарорлардир, асло қарорлар ҳақидаги сўзамол нутқлар эмас. Бу Озиқ-овқат Программаси эмас, дўконлардаги озиқ-овқатдир, коммунизм ваъда қилиш эмас, ҳар бир инсоннинг фаровонликка томон ҳаракатидир.

Брежневнинг илк нутқларида «муаммо» сўзи тез-тез тилга олингани рост. У илмий-техник инқилоб, меҳнат са-

БРЕЖНЕВ ВА СЎНГАН УМИДЛАР

Фёдор БУРЛАЦКИЙ.

СИЁСИЙ РАҲНАМОЛИК ТАБИАТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР



7

марадорлиги, озиқ-овқат муаммолари ҳақида, турар-жой ва ҳоказо муаммолар ҳақида гапирар эди. Ва ҳар гал аллақандай қарорлар қабул қилишга даъват қиларди. Қарорлар эса негадир қабул қилинмасди. Агар қабул қилинса, бажарилмас эди. СССР Фанлар академияси социологик тадқиқотлар институти қарорлар таъсирчанлигини таҳлил этиб чиқди. Натижа ҳайрон қолгулик эди. СССР ҳукумати қабул қилган ҳар ўн қарордан бор-йўғи биттаси озми-кўпми ижро этилган.

Тўғри, Брежнев базми-жамшидларни, ов ва пойгаларни яхши кўрарди. «Коммунистик шаҳар» бўйлаб юз қирқ километр тезликда ўтиш — бу Брежнев тадбиқ этган усул. Бошлиқлар ят-янги «Чайка»-ю «ЗИМ»ларда қанчалик тез чопса, мамлакат шунчалик секин имиллаб судралиб борарди. Аммо гаплар, гаплар, гаплар кўп эди. Халққа бу қанчага тушди? Таъмин этилмаган ва иқтисодий режалаштирилмаган БАМга халқнинг қанча маблағи ва куч-қуввати совурилди? Сибирь дарёларининг бурилишига доир «улкан» лойиҳалар неча пулга тушди? Назоратсиз ҳарбий харажатлар-чи? Айни пайтда халқнинг турмуш даражаси саноати ривожланган давлатлар орасида энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолди.

Брежневнинг шогирдларидан бири Завидоводаги дала ҳовлида навбатдаги нутқлардан бири тайёрланаётган пайтда бўлиб ўтган суҳбатни айтиб берди. Кимдир Брежневга ҳам маош оладиган кишилар қийналиб қолишганини, бироз иш ҳақини кўтариш лозимлигини айтди. Брежнев шундай жавоб берган: «Сиз ҳаётни билмас экансиз. Ҳеч ким ойликка яшамайди. Эсимда, ёшлигимда техникумда ўқиётганимда юк тушириб, оз-моз пул ишлаб турардик. Биласизми, нима қилардик? Уч қоп ёки уч яшик — у ёнга, биттаси — ўзимизга. Ҳозир мамлакатда ҳамма шундай яшайди». Ҳа: «Балиқ бошидан сасийди», деган гап тўғри, Брежнев қора бозорни, савдодаги ўғирликларни, амалдорларнинг порахўрлигини одатдаги ҳол деб ҳисобларди. Бу қарийб ҳамманинг ишига айланди. Сен Симоннинг сўзини эслайлик, у аллақачон айтиб қўйгандики, миллатлар ҳам, ҳар қандай одам ҳам, икки хил яшаши мумкин... ёки ишлаб, ёки ўғирлаб.

Ким айбдор? Брежневми? Бугун шундай дейиш осон. Бунга шу бўш, чўзма идишни манфаатдорлик билан шишириб юрган ҳамтавоқлар айбдор. Чунки улар нима қилаётганини биларди. Аммо тарих ҳукмига ҳавола этиладиган асосий айбдор — қашшоқликни қарор топтирган ва улкан халқ оммаси онгини заҳарлаган брежневча ҳокимиятдир.

Бу мамлакат ривожланмаганини, ҳамма нарса тўхтаб қолганини англатадими? Йўқ, албатта. Халқ шўрлик меҳнат ва заҳматдан тинган йўқ. Саноат ишлаб чиқариш, аста-секинлик билан бўлса-да ўсди. Бунда икки хавфли аломат пайдо бўлди. Ёнилғи қазиб олиниши кескин кўпайди. Ўн-ўн беш йил ичида мамлакатдан аввалги бор тарихдагичалик ёнилғи қазиб олинди. Бу шуни англатадики, келгуси авлодларга ҳам аталган бойлик еб қўйилди; биздан кейин дунёни сув босса ҳам майли, деганди иш тутилди. Иккинчиси: маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида истеъмол моллари ҳажми изчил камайди. Саноат экстенсив тараққиётга юз тутди.

Бу иқтисодиётни бой бериш йигирма йиллиги эди. Дунёни қамраб олган технологик инқилоб бизнинг мамлакатимизни четлаб ўтди. Анъанавий илмий-техник тараққиёт ҳақида гап сотаверибди, уни эсламадилар ҳам. Бу вақт ичида Япония жаҳоннинг иккинчи саноат мамлакатига айланиб улгурди. Корея Япониянинг товонига илаша бошлади, Бразилия саноати қудратли марказлар таркибига кирди. Рост, биз ҳозирги замоннинг энг улкан саноат мамлакати билан ҳарбий мусобақада тенгликка эришдик. Аммо бу қанчага тушди? Иқтисодий соҳадаги технологик қолоқликнинг кучайиши, қишлоқ хўжалигининг баттар хонавайрон бўлиши, замонавий хизмат кўрсатиш соҳаси яратилмагани, халқнинг бутқул қашшоқлашуви эвазига эришилди.

Аҳвол яна шу билан мураккаблашдики, социализмни замонавийлаштиришнинг ҳар қандай йўлини излаш инкор этилди. Аксинча, ташкилотчилик ва фармонбозлик кучига таяниш авжига чиқди. Бирор муаммо пайдо бўлган заҳоти, мамлакат раҳбарияти ўйлаб қоларди: хўш, бу билан ким шуғулланади? Дарҳол янги бир министрлик (вазорат) ёки шунга ўхшаш ташкилот тузиларди.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат муаммоси иқтисодимизнинг заиф жойи бўлиб қолаверди. Ечим анъанавий, аввалги даврдаёқ фойдасизлигини кўрсатган йўллардан изланди. Колхозларни (жамоа хўжаликларини) совхозлаштириш (шўро хўжаликлаштириш), яъни давлат тасарруфига ўтказиш давом этаверди.

Кимёлаштириш (химиязация) кутилган натижаларни бермади. 70-йиллардаёқ СССР кимёвий ўғитлар ишлаб чиқиш бўйича АҚШдан ўзиб кетган бўлса-да, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошмади, пастлигича қолди. СССРнинг йигирма беш фоиз деҳқонлари мамлакатни тўйдира олмадилар, аммо АҚШнинг уч фоиз фермерлари халқни тўйдириб, четга ҳам сота бошладилар.

Иқтисодий ва технологик қолоқлигимизнинг сабаби битта — етилган таркибий ислоҳотлар қошидаги қўрқув ва тушунмаслик — саноатни хўжалик ҳисобига ўтказиш, аҳолига хизмат кўрсатишни кооперативлаштириш, қишлоқда жамоа ва оила пудратини жорий қилиш зарурати инкор этилди. Ўша пайтдаги ҳокимиятнинг энг қўрқинч нарсаси — ошкоралик, халқпарварлик, Брежневнинг таянчи бўлган мансабдорликни чеклаш эди.

Ислоҳотлар йўлидаги ҳар қандай ҳаракат, ҳар қандай хўжалик мустақиллиги ёки фикр эркинлиги шафқатсизларча йўқ қилинди.

Брежнев даврининг **энг асосий сабоғи** — Сталин бошчилигида тузилган буйруқбоз-бошқарув тузуми (системаси) инқирозидир. Давлат тараққиётини таъминлаш у ёқда турсин, жамиятнинг иқтисодий, маданий ва маънавий ривожланишини таққа-тақ тўхтатиб қўйди. Брежнев ва унинг маслакдошлари йигирма йил давом этган бефойда бир тажриба ўтказдилар. Орқага қайтиб бўлмас экан! Агар Брежнев бу чиркин бинони сталинча қирғинлар билан мустаҳкамлашга уринганида ҳам бу тузумни фойдали қила олмасди. Чунки технологик инқилоб эркин меҳнатни, шахсий ташаббускорлик ва манфаатдорликни, ижодкорлик, изчил изланиш ва баҳслашувни талаб қилади. Тузум ислоҳоти ва қайта қуриш турғунликдан халос бўлишнинг муқаррар мантиқий йўлидир.

Давлат социализми ҳақидаги сароб тасаввурларнинг тирик ифодаси сифатида Брежнев бу қарашларни энг охирги, боши берк йўлга олиб кел-

8

ди. Шу жойдан мавжуд ягона йўл — қийинчилик билан бўлса ҳам, халқона социалистик жамият қуриш, унинг марказига ўз-ўзини бошқарувчи меҳнат коллективлари (жамоалари) ва фаол шахсларни қўйиш йўли бошланади. Эркин шахс ўзи учун меҳнат қилаётиб, жамият учун ҳам меҳнат қилаётган бўлади. Давлат, ўз-ўзидан маълум, энди тунги қоровулдай бўлмайди, у ўз вазифаларини камайтиради, жамият хавфсизлиги ва бунёдкорлиги (прогресс) хизмат қилувчи ишларнигина қилади. Шартли равишда айтганда, агар юзта министрлик (вазорат) ва бошқармадан 15—20 та қолса, 18 миллионлик бошқарув аппаратидан учдан икки қисми жамоат бошқарувига ўтса, шубҳасиз, мамлакатимиз ҳам, унинг фуқаролари (гражданлари)ҳам ютадилар, холос.

Иккинчи сабоқ — мамлакат ҳокимиятига жўяли халқона йўл билан, давлатдаги, партиядаги фаолияти натижасида эмас, ими-жимида, ҳеч ким билмас ҳаракатлар, айниқса, уюшган ва қонли тўнтаришлар билан келишни бас қилиш пайти келди. Тажриба кўрсатдики, бундай шароитда ҳокимиятни қобил, ишончли, халққа содиқ раҳбарлар эмас, энг айёр лавозимпарастлар, гуруҳбозлик пешволари, макр ва қаллоблик усталари эгаллаб олишар экан. Рашидов ва Кунаевнинг, Шчелоков ва Медуновнинг сиёсий шиқкатлари, Тихонов каби «днепропетровсклик думлар», кейин Черненко «мўъжиза»си — буларнинг бари ҳар қандай лавозимдаги сиёсий ходимларга сабоқ бўлиши керак.

Ҳамма замонларда, ҳамма халқларда давлатпаноҳлик, подшолик маълум тайёргарликни талаб қилган, чунки давлат раҳбарининг кимлиги халқнинг қисматида ҳам катта роль ўйнайди. Қадимги шоҳликларни эслаб ўтирмайлик, ахир ўша пайти ҳукмдорларнинг мураббийси сифатида Аристотел, Сенека хизмат этганлар. Россияда ҳам тахт ворисини Пушкиннинг яқин дўсти Жуковский тарбия этган. Ҳозирги замонда ҳам давлатларда раҳбарлик учун ҳам табиат ато этган хислатлар, ҳам маърифат, ҳам масъулият ҳисси, ҳам кўп йиллик сиёсий фаолият, ҳам жамоат ва давлат ишларидаги тажриба,

ҳам нуқтадонлик, сўз санъатига қобиллик ҳисобга олинади. Чет эл тажрибасини айтиб ўтирмайлик, биз ҳам анойи эмасмиз. Аммо биз аввал қовун тушириб қўйиб, кейин пўчоғини терганмиз, баъзан биз туширган қовуннинг жабри айрим шахсларгагина эмас, бутун халққа теккан. Биз шуни тушундик: ҳар қандай обком секретаридан (котиби) ҳам мамлакат раҳбари чиқавермас экан.

Инқилоб дамларидан бошлаб янгича сиёсий раҳбарлик мактаби анъаналари шаклана бошлади. Унинг бош мезони сифатида ижтимоий шажара олинди: раҳбар бўладиган одамнинг келиб чиқиши бойроқ, машҳурроқ, юксак маърифатлироқ эмас, камбағалроқ, халқдан чиққан бўлиши керак. Тўғри, биз ҳозир кулгу билан эслайдиган: «Ҳар қандай фаррош ҳам давлат бошқара олади» — деган гапга камдан-кам одам ишонарди. Инқилобдан кейинги юқори раҳбарият таркибида на бирорта фаррош, на ишчи ё деҳқон бўлган эмас. Ленин давридаги Сиёсий бюро ва Марказий Комитетнинг деярли барча аъзолари зиёлилардан ёки ярим зиёли, ўртаҳол косиблардан келиб чиққан эдилар. Ёрқин сўз усталари, тарғиботчилар йўлбошчилар бари шу тоифадан эдилар. Омма уларга ишонарди. «Қуролли киши» фильмидаги деҳқон каби муғомбирона қарамасди.

Лениннинг вафотидан сўнг раҳбарларнинг бу авлоди Сталиннинг кетма-кет ўтказилган «тозалаш»лари натижасида қириб ташланди. Уларнинг ўрнига янги, ёш раҳбарлар авлоди келди — булар кучли хулқ-атворли, аммо кам маърифатли, қашшоқ маданиятли эдилар. Аммо булар ҳам 1936-1938 йилларда йўқ қилинди. Уларнинг ортидан инқилобда қатнашмаган, бироқ партиявий маълумот даражасига эга бўлган авлод келди. Буларнинг кўпчилиги амал поғонасидан эртакдагидай тез кўтарилдилар, бир неча йил ичида оддий ходимликдан министрликкача кўтарилдилар.

Брежнев айнан ана шу учинчи шажарага мансуб эди. Унинг йўли — тўла фирқа фаолининг кўтарилишидир. Биз ўша йилларни синчиклаб кўздан кечирсак ҳам, бўлғувчи Бош секретарнинг бирор бир нутқининг изларини тополмайсиз. У устомонлик билан сукут сақлар, керак пайти зарарли олампаноҳларни «топар» ва изма-из изчил кўтарилиб борарди.

Муаммо шундаки, раҳбарларимизнинг бирортаси ўзига шогирд, ворис тайёрламаган эди. Сталинни айтиб ўтирмайлик — ўз ўрнига лойиқ одам чиққудай бўлса, у дарҳол изини ҳам қолдирмасдан, гумдон қиларди. У ўз маслакдошларига очиқ айтар эди ҳам: «Эҳ, мана мен ўлиб кетаман, менсиз хор бўласизлар, ҳалок бўласизлар!» Сталин ўлганидан кейин пайдо бўлган баландпарвоз ибора — «давлатни бошқаришни изчил давом эттириш», деган сўз шундан пайдо бўлгандир. Унинг болалари ва ҳамтовоқлари унинг ўлимидан сўнг осмон узилиб тушмаганига, давлат туғи уларнинг заиф қўлидан тушиб кетмаганига ҳайрон бўлишгандир...

Адолат ҳаққи айтиш керак, ҳатто Ленин ҳам ўзига ворис тайёрламаган эди. Ўзининг сиёсий васиятида у қолаётган юқори раҳбарларнинг ҳар бирига баҳо бериб, асосан танқидий фикрлар билдиради. Аммо у ўзидан кейин партия ва мамлакат раҳбари бўладиган кишини кўрсатолмайди (демак, у шундай кишини тарбияламаганди). Бу анъанани Хрушчев ҳам тўла қайтарди. У фақат итоаткор кишиларни ўзига яқинлаштирди, эҳтимол Брежнев юксак лавозимда унинг ўрнини олишини хаёлига ҳам келтирмагандир. Тўғри, Хрушчев ёшларни, Андропов, Шелепин кабиларни кўтарган, аммо уларни ўзидан йироқ тутганди.

Умуман ҳозирги дунёнинг барча мамлакатларида сиёсий раҳнамоликнинг замири чириган. Бунинг энг асосий сабаблари — бир томондан, «оммавий» демократия ривожи бўлса, иккинчи томондан, ваҳшатли мансабпарастликнинг томир отишидир. Айнан шу нарса икки томонга ҳам ёқишга уринадиган «ҳезалак раҳбар»ни яратади. Биз анча вақт марказлашган режали жамият борлиги учун бизда бундай бўлмайди, деб ўзимизни алдаб келдик. Бунда кўп нарса бошқача бўлиб чиқди. Энг аввало, сиёсий раҳнамоликда шундай бўлди, у етарлича доно бўлмаса-да, қўлидан келмаса-да, бутун партия ва халққа тегишли вазифаларни олиб қўйди.

Демак, сиёсий раҳнамолик, сиёсий йўлбошчилик анъанасининг ўзини ислоҳ қилиш керак. XIX партия конференцияси бутун сиёсий тузилмамизни ислоҳ этишдай улкан ишни бош-

(Охири. Боши ўтган сонларда).

9

лаб берди. Бу биринчи, аммо охирги қадам эмас. Ҳокимият тепасига, ҳатто юқори раҳбарият таркибига янги Брежнев, янги Черненко келиб қолмаслиги учун жуда кўп ўйлаш ва ишлаш керак. Энди биз билдик, бошқаришни билмайдиган киши юқорига чиқса, ўзига сунъий обрў орттиради, халқ мулкини совуради, қаллобликка йўл очиб беради.

Раҳбар алмаштириш — улкан, яхши топилган ечим. Аммо беш йилга ўн йилга бўлса ҳам заиф, қаллоб кишилар мамлакат раҳбарлигига кириб қолмаслиги керак. Юқори лавозимдагиларнинг оммавий фаолияти кўз ўнгида бўлиши, ҳақиқий сайлов ўтказилиши шарт.

* * *

Бошқариш санъати ҳамма санъатлардан, ҳатто ҳарбий ва бадиий санъатдан ҳам мураккаброқдир. Биз фашизмни Ворошилов, Будённий, Тимошенко, Кулик ўрнига Жуков, Рокоссовский, Конев, Мерецков, Толбухин келгандагина енгдик. Сиёсатда ҳам шундай. Қайта қуриш раҳбарликни брежневча тоифадаги кишилардан янгича, истеъдодли, кескин бурилишларни амалга оширишга, эртанги кунни кўра олишга қодир замонавий кишиларга ўтиши демакдир. Ижтимоий манфаат ва оддийгина ахлоқ кераклигини айтиб ўтирмасак ҳам бўлар. Бир сўз билан айтганда, усто раҳбарлар керак, итоаткор, шон-шуҳрат, ҳокимият, манфаатнинг қуллари, дангаса истеъмолчилар керак эмас.

Брежневчилик кўринишларидан қутилишнинг муҳим кафолоти — партия амалга ошираётган социалистик турли фикрлилик. Унинг асоси Ленин замонига тақалади. Биз ундан ҳам олға кетишимиз мумкин. Ошкораликнинг ҳаддан ошишларидан қўрқувнинг бўрттирилиши — ахир, ҳар қандай тўлқиннинг кўпиги ҳам бўлади — социализмни ўйлаб қилинган эмас, ҳамманинг тилига тушов солинган яккаҳокимлик сиёсий маданияти даврини қўмсашдир.

Бу ерда биз турғун анъаналаримизга қарши туришимиз керак. Россия сиёсий маданияти фикрлар эркинлиги ва ҳукумат фаолиятини танқид қилиш ҳуқуқини инкор этарди. Фақат 1905 йил инқилобидан кейин озроқ туйнук очилди. Аммо ўшанда ҳам на шоҳни, на шоҳликни, на ҳукмрон тузумни танқид қилиш мумкин эмасди.

Инқилобдан кейин биринчи навбатда ҳар хил кўринишли аксил-инқилобий матбуотга қарши қарор қабул қилинди, турли фикрлилик чекланди. Аммо Ленин буни вақтинча, синфий кураш кескинлашуви натижасида юзага келган деб ўйлаганди. Гражданлар уруши тугагач, у турли фикрларга йўл очадиган сўз эркинлигига қайтди. Партия, касаба союз, Советлар, деҳқонлар бирлашмалари ичида, айниқса маданият соҳасида фикр ошкоралиги одатга айланди. Аммо Ильич вафот этгач, 20-йиллар сўнгида ошкоралик ҳам янгича иқтисодий сиёсат (НЭП) билан қўшиб ағдариб ташланди. Хрушчев ошкораликни тиклаш учун нималардир қилиб кўрди, Брежнев ҳаммасини қўшиб гўрга тиқиб юборди.

Бизнинг ошкоралигимиз билан озчиликнинг ҳуқуқи кафолотлари ҳам боғлиқдир — биз бунинг муҳимлигини ўз тажрибамизда кўрдик-ку! Инқилобий қайта қуриш, ҳеч бўлмаса ўзининг бошланғич босқичида, кўпчиликнинг эмас, озчиликнинг ғоялари, назари-ю иродасига таянган эди. Доим шундай бўлган, агар эскилик билан янгиликнинг курашини назарда тутсак, турғун кўпликка қарши уйғоқ озчиликнинг жангидир. Демократиянинг энг покиза ва нафис кўриниши — Афина демократияси — кўпчиликнинг овози билан шундай қарор чиқарган: Суқрот заҳар ичиши керак. Ич, Суқрот, ич, кўпчилик шуни истар экан, ич. Бизда 30-йилларда Сталин кўпчиликнинг иродасига таяниб қирғин қилмаганмиди? Унинг издошларини айтиб ўтирмайлик, ҳатто Хрушчев, шахсга сиғинишнинг қудратли кўпорувчиси, кўпчилик номидан калтаклашларда берилиб қатнашмаганмиди?

Янги даврда Брежнев-чи? У бир ўзи эдими? Ҳокимиятдаги кўпчилик унга сиғинар эди, унинг қўл остида ҳамма нарсага эришдилар — унвонлар, мукофотлар, академик маошлари, дала ҳовлилари, пора... Брежневни аҳолининг меҳнатсиз ҳаром пуллар эвазига кун кўриб келган, ҳозир ҳам кун кўраётган қисми ҳам қувватлар эди.

Озчиликни қандай ҳимоя қилса бўлади, унинг манфаатларини, ғояларини қандай, муҳофаза этиш мумкин? Шу озчиликни бугун хато қилаётганликда айблашлари мумкин, эртага у ҳақ бўлса, тараққиётга олиб борса-чи? Бу кафолот — хоҳ партияда бўлсин, хоҳ давлатда бўлсин хоҳ сиёсий системанинг бошқа бўлмаларида бўлсин, — ҳар қандай шахснинг ҳуқуқлари: эркин фикрлаш, сўзлаш, ёзиш, ҳақиқатни излаш ва уни тан олдириш ҳуқуқи тан олинишидадир — бошқа йўл йўқ.

Албатта, озчилик ҳам ҳар доим ҳақ бўлавермайди. Шунинг учун у ўз ўрнини билиши, кўпчиликнинг иродаси билан ҳисоблашиши лозим. Бунингсиз на тартиб, на интизом бўлади... Озчиликнинг ҳуқуқи умум орасида автономияга талабгорликдир. Низом, фармон ва сиёсий амалиёт аниқ белгилаган мухторият (автономия) демократиямизнинг улкан ютуғи бўларди.

Фан ва маданият соҳасида озчилик ҳуқуқининг кафолотланиши — одатий ҳол, тўғри, бу ерда ҳам мансабдорларнинг зўравонлиги кўп бўлган. Кўпчилик номидан генетика қувғин қилингани, нисбийлик назарияси ва кибернетика қоралангани, жаз, айниқса, рок-н-рол инкор этилгани, абстракт санъат йўқ қилингани, ёзувчи, шоирлар отиб юборилгани хотирамиздан ўчган эмас. Бугун шуни тушунганга ўхшаймизки, фикрни ўлдирган киши — уч бора қотилдир.

Охирги гап — сиёсий ҳаётдан лаганбардорлар йўқолсин! Ҳамма халқларнинг сиёсий раҳбарлари мақтовни яхши кўрсалар керак. Аммо бизнинг Сталин ва Брежнев давридаги раҳбарларимиз энг бўрттирилган, дабдабали мақтовни хуш кўрганлар. Уларнинг ўзи ҳам қўл остидагиларнинг мақтовларига ишонмаган бўлсалар керак, аммо уларга қўл қовуштириб, кўзлари йилтиллаб турган лаганбардорларнинг хўрланиши, мутелиги ёққан, албатта. Бизнинг баъзи хонаки, шиллиқ лаганбардорларимиз ёғ кесаётган пичоқдай ҳамма сиёсий тузумлардан ўтиб келаётибдилар ва бугун ҳам безгак тутган бемордай лавозимларига ёпишиб олганлар.

Бахтимизга мамлакатимиз раҳбарлигига ўзининг аниқ мамлакат тараққиёти программасига эга, кескин сиёсий ислоҳотни амалга ошираётган кишилар келдилар ва келмоқдалар. Умид қиламизки, сиёсий раҳнамоликнинг янгича мактаби, халқнинг янгича демократик маданияти шаклана бошлади. Бу — сталинча, брежневча анъаналар хуружидан ишончли ҳимоядир.

«Қайта қуриш: социализмнинг ленинчи концепцияси» китобидан Карим БАҲРИЕВ таржимаси.

10

Хорижлан хабарлар

Телетайп лентасидан

СОФИЯ. Қонун бузилиши масалалари билан шуғулланувчи парламент комиссияси ўзининг биринчи мажлисида бу ишга жалб этилган экспертлар иштирокида БКП Марказий Комитетининг собиқ бош секретари, БХР Давлат кенгашининг собиқ раиси Тодор Живков ва унинг оиласига тегишли мол-мулк миқдорини текшириб чиқди деб хабар қилди БТА агентлиги. Муаллифлик қалам ҳақи ва Болгария собиқ раҳбарининг кўплаб асарларини нашр этишга қилинган ҳаддан зиёд кўп харажатлар унга нисбатан тергов ўтказишга асос беради. Т. Живков чет эл банкларига қўйган пуллар тўғрисида маълумотлар олинганлиги муносабати билан комиссия БХР ташқи савдо банки ва Ташқи ишлар министрлиги ўтказган тафтиш натижалари билан танишиб чиқди.

ПАНАМА. Бу ерда Панама инсон ҳуқуқлари комиссиясининг ижрочи директори Рауль Эскоффери бу ташкилот ҳозирча АҚШнинг республикага қилган қуролли босқинчилиги давомида фақат 207 нафар граждан ҳалок бўлганлигини тасдиқлай олганини таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, комиссия пойтахтдаги икки госпиталдан ҳануз маълумот ололмаяпти. Америка солдатлари босқинчиликнинг дастлабки кунларида ўлдириб, хуфиёна кўмиб юборганлар тўғрисида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунга қарамай, Эскоффери тинч аҳоли ўртасидаги талафотлар 2000 кишига етган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб таъкидлади.

МАНАГУА. Никарагуа Мудофаа министрлиги сешанба куни бу мамлакатдаги контрасларга шерик бўлган группа фош этилиб, қамоққа олинганлигини хабар қилди. «Радио Сандино» радиостанцияси орқали эълон қилинган хабарда таъкидланишича, мамлакат шимолидаги Хинотега департаментида яшовчи қамоққа олинган саккиз киши ёлланма каллакесарлар чоғроқ отрядларининг Гондурас территориясидан Никарагуага суқилиб киришига ёрдамлашиб, уларни зарур маълумотлар ва озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Қўлга олинган шахслар, деб таъкидланади хабарда, 3 январь куни сандиночилар миллий озодлик фронтининг маҳаллий раҳбарларидан бирини ўлдирган аксилинқилобчиларга кўмаклашганлар.

ТОКИО. Япониядаги атом электростанциялари 1989 йилдаги бутун иш вақтининг 4 фоизи давомида хилма-хил носозликлар туфайли ишламаган. Бу — шундай маълумотлар тўплана бошланган 1981 йилдан буён АЭСларнинг вақтинчалик тўхтаб қолишлари орасида энг юқори кўрсаткичдир. Табиий ресурслар ва энергетика агентлигининг хабар қилишича, мамлакат атом электростанцияларида ўтган йили 35 та, 1988 йилда эса 42 та ана шундай ҳодиса қайд этилган эди.

Япония оролларида ишлаётган 37 та атом электростанциясида ўтган йили 29,28 миллион киловатт электр энергия ишлаб чиқилган.

(ТАСС).



Яқинда Венада бўлиб ўтган министрлар даражасидаги Европа кенгаши конференциясида эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилик муаммоси кўриб чиқилди. Бунда Франция ҳам фаол иштирок этди. Конференцияда маълум бўлдики, Ғарбий Европадаги кўпгина давлатларда ана шундай муаммолар мавжуддир.

Суратда: «Йўқ, хотин-қизлар ҳозирча ғалаба қозонмадилар» — деган сўзларни «Пуэн» ҳафталиги ўзининг сўнгги сонларидан бирида муқовасида чоп этди.

ТАСС сурати хроникаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТУТУНДА СЕЗМАЙ ҚОЛИШДИ

● ЎТ ЎЧИРИШ командаси Англиянинг Бирменгем шаҳридаги ёнаётган уйга ёрдамга етиб келганида, саросимага тушган оила бошлиғи бино ичида хотини ва икки қизи қолиб кетганини айтди. Ўт ўчирувчилар тезда уйга киришди. Буни қарангки, бир хонада уч аёл бемалол, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, телевизор кўриб ўтирарди. Уларнинг ҳаммаси кетма-кет чекишар, уй ичи сигарет тутунига тўлиб кетганидан бошқа хонада ёнғин бошланганини ҳам сезмай қолишганди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ СОВҒАСИ

● ДАНИЯЛИК география ўқитувчиси Сорен Поульсон ўз шогирдларига антиқа кўргазмали қурол тайёрлаши учун кўп йил вақти кетди. Ниҳоят, тайёр бўлган футбол майдони ҳажмидаги дунё картасини қурий бошлаган қўлга шундай жойлаштирдики, ундаги «денгиз» ва «океанлар» ростакам сув билан тўлдирилди. Тоғ ва баландликларни эса Сорен тупроқ, тошлардан ишлади.

АВТОМОБИЛЛАР — ПЕНСИЯГА

● БИРМА пойтахтида ҳайдовчиларга 34 ёшдан катта бўлган автомобилларни ҳайдашни тақиқловчи қарор чиқди. Маълум бўлишича, шаҳарда бундай «ветеран» машиналар мингтадан ортиқ экан. Статистик маълумотларга кўра, уларнинг ҳар бири йилига камида беш марта автомобиль фалокати содир этиши исботланган.

ЮМУШНИНГ ЭНГ САВОБИ

Дадам оналарига жуда меҳрибон эдилар. Жосият бибим биз билан турардилар. Бибимнинг уч келинлари: Робия, Раҳбар (менинг онам) Марҳамат опоқилар эди. Келинлар бир оиланинг фарзандидек аҳил яшашарди. Энг севикли келин менинг онам бўлса керакки, бибим: «Раҳбар қизим», деб мурожаат этардилар. (Бибимнинг қизлари бўлмаган).

Жосият бибим ҳаётларининг сўнггида жуда ғариб қолган, тез-тез нафаслари қисар, ҳарсиллаб турардилар. Бибим шифокорларнинг дорисини кор қилмагач, табиблар берган қора дорини истеъмол қилардилар. Эсимда, шунда дадам бибимни олиб: «Ойимга дорини кўп бераверманглар», — деб тайинлар эдилар. Дорининг таъсири сусайиши билан бибим, исмларимизни бирма-бир айтиб, дадамни сўраб, дадам ижодхоналаридан чиқиб келиб: «Ҳа, ойи, нафасингиз безовта қиляптими?», — деб ҳол сўрардилар. Бибим: «Ҳа, Абдулла, ҳалиги қурғурдан мошдек бермасанг бўлмайди», — дер эдилар. Шунда дадам бибимни аяб, қора сақични думалоқлаб берар, бибим дуо қилиб пинакка кетардилар.

Эртасига нонушта пайтида:
— Абдулла, кечаги қурғурингни қайси табибдан олган эдинг? — деб сўрардилар. Дадам кулимсираб: — Нима эди? — дердилар. Бибим бечора энтикиб: — Олдингиси яхши эди. Тез таъсир қилиб, жонимга оро кирарди. Кейингисининг таъсири суст. Кечаси ухлолмай қийналдим, — деб шикоятлаШнар эдилар. Дадам: — Майли, бугун бошқасини олиб келаман,—деб онамни овқат ейишга ундар, бибим емасалар: — Кўнглингиз нима тусайди? Келинингиз айтганингизни тайёрлаб беради, — дердилар.

1936 йил ёзда Жосият бибим вафот этдилар. Бибимни пешинда дафн қиладиган бўлдик. Қавм- қариндошлар йиғилгач, онамиз жасадлари солинган тобутни қўлма-қўл олишиб, Комолон қабристонига йўл олдик. Тобут олдида бибимнинг барча яқинлари: Раҳимберди, Қудратилла амакиларим, уларнинг ўғиллари, куёвлари қўлларида ҳасса, белларида белбоғ «онам»лаб йиғлаб боришарди. Уларнинг сафида мен ҳам ҳасса ушлаб бораман. Дадам эса ҳассасиз тобутни дамбадам кўтариш билан бандлар.

Дафн маросимининг иккинчи куни, дадам ёзувчилар уюшмасининг топшириғи билан (Татаристон ёзувчилар курултойи) Қозонга кетадиган бўлиб, эшикда бел боғлаб турган яқинларига ва маҳалламиздаги (дадамдан ёши катта) Мулла Юсуф домлага ҳам узрларини айтдилар. Мулла Юсуф домла, дадамга: — Мулла Абдулла, кўнглингиз хотиржам бўлсин. Менинг вақтим бисёр. Ўрнингизни билдирмай, маросимларнинг охирига қадар шу шийпонда ўтираман. Ой бориб, омон қайтинг, — деб дуо қилган эдилар.

Юсуф домланинг илгари ҳам шийпонда дадам билан тез-тез суҳбатлашиб ўтирганларини эслайман. Домла бир куни дадамга: — Мулла Абдулла, мени биласиз, оллоҳнинг фақир бандасиман. Кейинги йилларда рўзғорда қийинчиликлар бўлиб турибди. Эшитишимча, бор ишларига унча-мунча одам ёллаб ишлатар экансиз. Шулар қатори мени ҳам йўқлаб турсангиз. Куч-қувватимиз бор, — деган эканлар. Шундан сўнг дадам боғда иш бўлса, бўлмаса домлани чақириб, нонлик ва овқат билан сийлаб, кетишда пул ҳам бериб юборар эканлар.

Дадам кетгач, уйда маракаларга Мулла Юсуф домла бош бўлиб қолдилар.

— Абдулла ҳукумат иши билан кетди. Мени «Ўрнимни билдирманг», — деб ташлаб кетди, — деб келганларнинг исм-фамилиясини, касб-корини сўраб қолардилар. Баъзи таништирлара: — Тақсир фалон куни пайшанбалик, — деб қолардилар. Кеч кириши билан қариндошларни шийпонга ўтқазиб, Қуръон ўқиб, амри — маърифдан сўзлардилар...

Кейинчалик «Калвак Махзум хотира дафтаридан» ҳажвий ҳикояларидаги Калвак домла образини ўқиганимда Мулла Юсуф домланинг эзма, пойма-пой гаплари ёдимга тушарди.

Дадам бибимнинг йигирмаларига етиб келдилар. Марака ўртача ўтди. Дадамдан Қозон шаҳри ҳақида сўрадик.

— Қозон чиройлик шаҳар экан. Одамлари яхши ҳаёт кечиради, бир-бирига меҳрибон, меҳмондўст эканлар. Мен Ленин таҳсил кўрган дорилфунунда бўлдим. Қозон атрофидаги қишлоқларда бўлдик, — деб таъриф бергандилар дадам. Суҳбат охирида мен: — Дада, нега сиз бибимнинг дафн куни, биздан ажраб тобут кўтариб бордингиз? — деб сўрадим. Дадам: — Энг савобли иш, одамлар ичида бўлиш. Одамни елкада кўтариб, қабристонга элтиб қўйиш. Юмушнинг энг савоблиси ва хосиятлиси шудир, — деб жавоб бергандилар.

Дадам уйда баъзан тансиқроқ овқат бўлса, Қудратилла амакимни чақиртириб чиқар, овқатдан олдин қўлбола мусалласдан ичишгач, суҳбат қизирди. Қудратилла амаким озгина қизишиб олгач: —

— Раҳбар опа, қозиқдаги дуторни беринг. Ўзингиз ҳам ўтиринг,—деб дуторни созлаб, дадам ва ойим севган «Навои ажам»ни чалар эдилар. Эсимда, худди шундай ўтириш Қудратилла амакимникида ҳам бўлганди. Емак-ичмоқдан сўнг, Қудратилла амаким дадамга: — Ака, кейинги кунларда негадир хомуш кўринасиз? — деб савол бердилар. Дадам: — Замон бироз нотинч, «қора булутлар» бизнинг жумҳуриятимиз осмонига ҳам ёпирилиб келмоқда. «Қора булут» юрган ҳукумат аъзоларини босди. Эрта-индин биз адабиётчиларни ҳам тинч қўймаса керак, деб маъюсландилар. Кейин «уф» тортиб давом этдилар: — Қиладиган ишларим кўп. Бироқ, қўлим ёзувга бормайди. Хаёл мени енгади. Кўз олдимдан ўзбек халқининг атоқли ёш-қари, ёзувчи, шоирларини ҳибсга олинажаги кетмайди. Шулар қатори мен ҳам четда қолмасам керак. Ҳабибулло хаста, қолган болаларим ёш, уларнинг ҳоли нима кечади?..

— Ака, кўп ўйламанг. Ахир, битган китобларингизда ҳукуматга ғараз йўқку. Ёзганларингиз шоҳу гадога баробар. Халқ сизни ҳурмат қилади, — дедилар Қудратилла амаким.

Суҳбатга Раҳимберди амаким қўшилиб: — Қўй, Абдулла, сени ҳукумат билмадими, бундан буёғига китоб битма. Бир куни ўтар. Еринг яхши, боғинг бор. Деҳқончиликда илминг дуруст, — дедилар.

Дадам башорат қилган «қора булутлар» бизнинг хонадонимизга 1937 йил 31 декабрда кечқурун кириб келди...

1936 йилларда дадам боғдорчилик билан овуниб, янги дўстлари Иноғом ота кўмагида 10-15 қути асалари боқдилар. Кейинги йили асал жуда яхши ҳосил берди. Ҳосил бир йилда икки марта: баҳор ва кузда олинарди. Дадам ҳосилни идишларга ини билан солар, мўмини сиқиб олиб, келаси йил ҳосили учун замин тайёрлар эдилар. Ўша йили асални кўп истеъмол қилганимиз учун бўлса керак, дадам ва менинг теримда сувли пуфакчалар пайдо бўлди, қичишиб беҳузур қила бошлади. Шифокор ва табиблар ёрдамида мен тез тузалдим. Дадамнинг хасталиклари тузалмади.

Дадамнинг орзулари бўйича акам ва мен шифокор бўлиб етишдик. Кейинчалик «дадамдаги хасталик — асаб бузилиши натижасида юзага келган» деган хулосага келдим. Инсон туғилади, вақт соати битгач, бу дунёдан хайрлашади. Ўлим ҳақ. Лекин инсон ўз туғилган хонадонида, ўз туғишганлари ичида қариб (ёки бетобланиб) дунёдан ўтса бир нав. Бироқ [illegible] курсига ўтқазиб ўлим топтиришса, ёмон экан. Мана 53 йилдирки, дадамнинг: — Менда айб йўқ. Бу тушунмовчилик. Эрта-индин қайтиб келаман, — деган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди...

Мен эса юмушнинг энг савобли ва хосиятлисини адо этолмаганимдан армондаман.

Масъуд АБДУЛЛАЕВ.

Редакциядан: муаллиф Абдулла Қодирийнинг иккинчи ўғли. 1926 йил туғилган. Касби болалар шифокори. Шахсий пенсионер. Отасини олиб кетишганда 11 ёшда бўлган.



БУЮК ИНСОН ВА БЕНАЗИР АДИБ

«Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: гарчи мен турли бўҳтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам англашилмовчиликлар орқасида иккинчи оқланмайдурғон бўлиб, қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қоракўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам, менга энг олий бўлғон жазони беракўрингиз. Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман».

1926 йил, 15 июнь. Самарқанд.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ўтган йил ўзининг биринчи декабрь сонида машҳур адиб Абдулла Қодирийнинг 95 йиллиги олдидан «Суддаги нутқ» мақоласини эълон қилди. Адибнинг невараси Шеркон Қодирий ёзади: Бу мақола ўша пайтда ақллар орасида кўп гап-сўз ва турли мулоҳазаларга сабаб бўлади. Адиб Ўзбекистон Жиноят Қонунлари мажмуасининг «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» деган моддаси билан қораланади. Қарийб уч ойлик сўроқ-терговдан сўнг ёзувчи судда ўзининг ҳақлигини исботловчи ёзма нутқини ўқиб берадилар...»

«Суддаги нутқ» дея эълон этилган ушбу мақоланинг сўнгги сатрларини ўқиб, беихтиёр:
— Бечора Абдулла акам! Ахир, ўзинг Отабек! Ўзинг Мирзо Анвар экансан-ку!? Сен асарларинг янглиғ барҳаётсан! — дея кўз ёшларимни артдим. Чунки, 32-йилнинг кўкламида Абдулла акам Ўзбекистон Давлат нашриётига келганларида, у кезларда мен нашриётда, адабий муҳаррирлик лавозимида (1931—1936 йиллар) ишлар эдим. Уйга бошлаб келдим, меҳмон бўлдилар.

Ўшанда мен «Абдулла ака, Сиз «Тарих тилга кирди» (Зиё Саид ва Назир Сафаров асари) спектаклини кўрдингизми?», дея берган саволимга, кутмаганда, «Бу беҳуд асар-ку», дея жавоб бергандилар. Мен сабабини сўрашга журъат этолмадим. Чунки у кишининг гап-сўзлари, ҳамиша ўлчангандек камгап эдилар. Ўша суҳбат пайти, Абдулла ака, бешикда ётган тўнғич ўғлим (ҳозир терапевт, медицина фанлари доктори)га қараб, ҳа, азамат, биз ажриқмиз, кўпаяверамиз, дея жилмайиб эркалаган бўлдилар.

Менинг кузатишимча, адиб жуда ҳам андишалик, камтар ва камгап эдилар. Буни қарангки, шаҳар ҳовлига нашриётдан бошлаб келган куним ҳам агар бошқа одам бўлганда, бутун нашриётни бошига кўтариб жанжаллашар эди. Чунки шартнома бўйича ёзилаётган «Ўзбекча ва русча» луғатнинг «П» ҳарфини Абдулла ака тузмоқда эдилар. Бир танишлари мен ҳам шу ишда қатнашай, деган бўлса керак, андишали одам эмасмилар, хўп, деб розилик берибдилар. Аммо қалам ҳақини ҳалиги беандиша олдин олиб қўйибди.

Ўша куни биз ҳам келибмиз. Чунки биз, муҳаррирлар ўша пайтларда, кўп вақт уйда ишлар эдик. Бир оғиз гап-сўзсиз, дами ичида уйига равона бўлиб турганлари устига мен бориб қолдим. У киши хомуш эдилар. Мен энди шаҳардаги уйига ҳам боринг-да, деб таклиф этганимда қаршилик қилмадилар. Ғ. Ғуломнинг таҳрир этганим — «Нетай» қиссасини машинисткага тез топширдиму, Абдулла ака билан трамвайда уйга кетдик.

Ўша йиллари нашриётимиз бугунги Қизил майдон яқинида, Самарқанд кўчасидаги бир қаватли бинода бўлиб, барча адабиётлар турларидан қатъий назар, ушбу нашриётдан чиқарилар эди. Барча олиму ёзувчиларимиз келиб туришар, биз улар билан суҳбатлашар эдик. Абдулла ака бошқаларга қараганда жуда кам келар эдилар.

Мен адиб билан биринчи марта Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумида ўқиб юрган йилимиз танишганман. Ётоқда «Ўтган кунлар»ни коллектив бўлиб ўқиганимиздаёқ асарни севиб қолдим, уни қайта ўқирканман, баъзи арабфорс сўзларига яхши тушуниб етмаганлигим сабабли машҳур адиб билан мулоқотда бўлиш орзусида уйига сўроқлаб, Эшонгузар томон пиёда йўл олганман. Адибни чойхонада учратиб, дафтарга кўчирганларимни олдиларига қўйдим: барчасини тушунтириб, ёзиб бердилар. Уйларига таклиф этдилар. Дафтарни бағримга чақалоқдай босиб қайтдим! Ўша йили кўклам чоғи яна бордим. Абдулла ака мени: «Раҳматулла, келинг, келинг. Меҳмонлар ҳам бор, киринг...» дедилар. Адибнинг мени уйларига, яна меҳмонлар олдига, отимни атаб чақирганларига жуда-жуда хурсанд эдим. Ташқи айвонда Абдулла аканинг бир неча замонавий кийинган тенгқурлари ўтиришган экан. Овқатландик. Меҳмонлар ўринларидан туришди. Абдулла ака менга: «Меҳмонлар чиллак ўйнашмоқчи, яхши келдингиз...» деб қолдилар. Хўш, нима қилиш керак? Ҳамма ҳавас қилган адиб билан чарақлаган офтобда чиллак ёки палка ўйнашни ким истамайди, дейсиз. Абдулла ака, меҳмонларнинг кўнгли учун «Хўжа аламбардор» қабристонидаги ялангликка ўйнагани чиқдилар.

Ўйин асноси Абдулла ака югурганларида мен бошқа «она»нинг боласи бўлганим учун, у кишини қочиб бораётганда, тўғри келган ерларига резина копток билан уришим керак эди. Тўғриси, уришга менинг қўлим бормас эди. «Онам» эса «ўғлидан» ранжиб, мени бошқасига алмаштирди. Мен қувонаман: Абдулла ака билан «онамиз» бир энди.

28-йил март ойи эди шекилли, Эски Жўвадаги босмахонадан чиқиб келаётган Абдулла ака билан бақамти келиб қолдим. У киши салом-аликдан сўнг ён чўнтакларидан корректура олиб кўрсатдилар: «Мана, сизлар кўчиришган «Меҳробдан чаён»нинг корректураси» дедилар. Олиб кузатган бўлдим, аммо бичими менга маъқул бўлмади. Нега бу хил, деб сўрадим. У киши романлар бичими шу зайлда бўлар экан, дея жавоб қилдилар. Чунки биз «Ўтган кунлар»ни журнал бичимида ўқиганимиздан, буниси ҳам шундай бўлар, деб ўйлаган эдим. Мазкур асардан нусха кўчиришда бизнинг техникумдан беш нафар талабалар: Ҳамид Сулаймон, Гулбек (марҳумлар), Фазлиддин Ҳошимий, Мансур Ризқий ва мен адибнинг Эшонгузардаги шаҳар ҳовлиларида ҳашар қилган эдик. Абдулла ака менга: учрашганимиз яхши бўлди, ўзим ёлғиз боргани эриниб турган эдим, дея ўзларининг Тахтапул маҳалласидаги Абдуваҳоб исмли ўртоқлариникига бошлаб бордилар: гап берилаётган экан. 20 чоғли Абдулла ака қатори улфатлар. экан. Меҳмон бўлдик. Гап асноси: «Меҳробдан чаён»нинг нашри экан. Абдулла акам, китоб яқин кунларда чиқиб қолса керак, дедилар. Аммо ёнларида дўппайиб турган корректурани мен туйғуларимни ичимга сиғдиролмай, сездириб қўйдим. Суҳбатдошлар, ўқийлик, эшитайлик, норин қорилмасдан, дейишди: Кимдир яна «Ўтган кунлар»ни ўқиган кунингиздек азабозлик бўлмайдими, деб сўраб қолди. Ёдимда, асарни мен бир-икки бобини ўқиб бергач, кеч тарқалишган эдик. Абдулла ака дастлабки бориб юрган пайтларимда бадиий асар ёзишга ҳавасманд бўлганимни пайқар эдилар, шекилли, ҳамиша саволларимга қунт билан жавоб бергувчи эдилар: ёзувчи аввало, ҳаётни билиши керак... Одамлар бир-биридан фарқ этадилар, уларнинг ўзаро муомалалари, сўзлашувлари турлича... айниқса, қаламга олинган ҳар бир образнинг сажияси (характери), унинг тилига алоҳида эътибор лозим. Масалан, бир одам гапирганда бутун танаси билан ҳаракатда бўлади, бири эса, аксинча, ёки кимдир тўтал, мантиқсиз сўзлайди.

— Абдулла ака, Сиз асарларингизга план тузишингиз қандай? — сўрайман.

— Мен асарларимга план тузиб, шу асосда ёзмайман. Ёзадиганларимни, аввало, бошда роса пишириб олгач, сўнг ёзишга ўтираман. Агар план тузиб, сўнг шу асосда ёзадиган бўлсам... Ахир бу ижод, шундай ҳоллар бўладики, ўйламаган бир ерда бир нарса мени ёз, дегандек юз кўрсатиши мумкин.

Шу ўринда бир нарсани эсладим: ёш, ҳаваскор шоирлардан, кимдир, Абдулла акага сиз қандай ёзасиз, дея савол берди, «Мен уйда, сандалда ўтириб ёки дафтарни хонтахта устига қўйиб, гоҳо кароватда ўтириб, ёстиқ устига патнис қўйиб ёзаман...» дея жавоб қилганларида, бир танилган шоир: «Сиз ёшларни заҳарламанг» дея аччиқ гапиргани ёдимизда. Аммо мен ёзувчининг на шаҳардаги уйида, на дала ҳовлисида, на ижодхонасида бир неча марта бўлиб, бирорта стол-стулга кўзим тушганини эслолмайман. Аммо уйларининг бошқа хонасида бўлса бордир. Қишда борганимда уйларида ва ижодхоналарида ҳам сандалда ўтирар эдик. Яқинда ўқувчиларимдан бири — Абдуғофир Абдулла Қодирий асарлари уйидан топилган баъзи одамларни ҳам тергов қилишиб, қамоққа олишган экан, сиз қандай қилиб омон қолгансиз, деб сўраб қолди. Мен бир фурсат жим қолдим. Лоп этиб эсимга биринчи навбатда «Меҳробдан чаён»ни кўчиришда иштирок этишимни ўша йили ёзда Абдулла аканинг ўғиллари Ҳабибуллонинг Қўқон аравада боғимизга олиб келиб, меҳмон бўлганини кўз олдингизга келтиринг, ёраб! Ҳа, шу чоққача ҳазиллашиб бўлса-да, бирор кимса шу зайл савол бермаган эди. Ўйлаб, дедим: минг бор шукрки, замон мени асради! Йўқса, шу одамнинг уйига бир кириб кўрмайсизми, шубҳам бор, деб кимдир айтса, «Ўтган кунлар»ни, «Меҳробдан чаён»ни ва ниҳоят, орқасига «Ўртоқ Раҳматуллага ёдгорлик учун», дея ўзим айтгандек дастхати билан ёзиб тақдим этилган, бошида духоба дўппи, эгниларида банорас тўн билан тушган беқиёс адиб суратини топса, нақ олтин топгандек қувонишларини айтинг! Аммо мен уларни ўз вақтида ноилож, боғимиз ёнидан ўтадиган анҳорга оқизиб юборганимга ҳамон ачинаман.

— Ҳа, Абдуғофир, — дейман мендан жавоб кутаётган ўқувчимга, — бахтли эканман... Ўша даврдаги вайсақи, муттаҳам, бўҳтончилар назарига тушмаганимга шукр қиламан. Мана, бир мисол: ўтган 1988 — йил ёзида Ҳабибулло Қодирий билан маҳалламиздаги қудаларfinikида меҳмон бўлганимизда Қодирийнинг сўнгги кунлари ҳақида ёзаётганлар борасида гап очдим. У киши бир фурсат жим қолиб, сўнг: «Мени қамоққа олганларида, мана, сенинг отанг...» деб бир хат кўрсатишди. Унда адамни «аксил инқилобчи...» деб бир неча ёзувчи қўл қўйган экан... ёзарман.

Ҳа, ўша кезларда, бир-бирини кўролмаган, ғаразгўй, тошбағир, қораюракларнинг ови юргани аниқ!

Ўз ҳамкасбларининг қурбони бўлган буюк инсон ва беназир адибнинг асарлари бадииятимизнинг олтин фондидан яна муносиб ўрнини олди. Ахир, машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельс «Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилик мактаблари мавжуд эди. Эндиликда олтита, яъни ўзбек романчилигини Абдулла Қодирий яратиб берди», — дея ҳақли равишда баҳолайди.

Раҳмат АЗИЗХЎЖАЕВ.

ТВ

13 ЯНВАРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 «Ҳужжатли экран». 11.00 Ёш спортчи мактаби: 1. Кураш. 2. «Шоҳруҳ» клуби. 12.00 Экранда — кинокомедия. «Имконият». 13.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 14.15 «Ишчи касби — фахрли касб». Қувасой шаҳар 14-ўрта ҳунар-техника билим юрти ҳақида ҳикоя.

* * *


18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Чумчуқча». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.55 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 М. Зошченко. «Қилмиш — қидирмиш». Ҳажвий новелла. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Янги йил оқшомида». Янги йил мусиқий программаси. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Янги йил оқшомида». Янги йил мусиқий программаси (давоми). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

15.00 «Набираларим учун цирк». Бадиий фильм монография премьераси. СССР халқ артисти Ю. В. Никулиннинг ижод йўли ҳақида («Экран»). 16.10 «Спектр». Халқаро программа. 16.40 Леонид Биковнинг фильмлари ва роллари. «Йўлбарсларни ўргатувчи». Бадиий фильм («Ленфильм»). 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Анимацион фильмлар I Бутуниттифоқ фестивалининг фильмлари «Крок», «Қандай қилса одам бўлади» (Свердловск киностудияси), «Отахон Карло театри» («Таллиннфильм»). 19.45 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII халқаро фестивали. «Оркестр садолари остида» (Швейцария). 20.15 Кинопанорама. 1-қисм. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Кинопанорама. 2-қисм. 23.15 «Янги йил детективи». Телевизион балет-ҳазил премьераси. 23.40 «А» мусиқий программаси.


МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.50 «Кичик ороллардаги саргузаштлар». Бадиий фильм, субтитр билан («Туркманфильм»). 10.00 «Икки эртак». Мультфильм. 10.15 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Сен учун очиқ эшик» (Рига киностудияси). 1 ва 2-сериялар. 12.30 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Прелюдия». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ростовдаги мусиқа мактаби болалар камер хори ҳақида (Ростов-Дон). 13.00 «Рассом М. Нестеров кўргазмасида». 13.45 УССР мусиқий фольклорининг концерти. 14.15 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. «Мисдан ҳам арзон». Жезқазған кончиларининг муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 14.35 Концерт. 15.00 «Эфирда — Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Министрнинг театр дебюти». Омск академик драма театрида ПХРлик режиссёр, ПХР маданият министри И. Цивиньская саҳналаштирган «Тартюф» спектаклининг премьераси ҳақида. 18.30 Рус тили. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Педагогика ҳамма учун». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шамол ҳақида эртак». 20.45 Шеърият лаҳзалари. 20.55 Телевизион мусиқий абонемент. «Тарих афсонага ўхшайди». 2-кўрсатув. — «Сарой созандалари». 22.00 «Биз яшаётган дунё». Режиссёр В. Виноградов фильмлари: «Ажойиб лаҳзалар ҳамон ёдимда» («Лентелефильм»). 23.00 Бадиий фильмлар: «Вена тезюрари» (Венгрия Республикаси). Премьера; «Эрга тегманг, қизлар» («Мосфильм»); «Яна бир бор севги ҳақида». Киноконцерт.



Жумҳурият Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!



Сирдарё вилояти, Мирзачўл ноҳиясидаги 21 «А» совхоз ишчиси Қаҳрамон Ўнаров қидирилмоқда. Уни охирги марта 1989 йил 24 декабрдан 25 декабрга ўтар кечаси соат тўққизлар атрофида кўришган.

Асосий белгилари: бўйи новчароқ, қорачадан келган, қотма. Юзида ҳусунбузар доғлари бор. Сочи қора, жингалакликка мойил.

Ўша куни у қора чопон, оқ жемпер, қизғиш кўйлак, жигарранг шим ва қўнжи калта қора этикда бўлган.

Кўрганлардан маҳаллий милиция органларига ёки Тошкент шаҳридаги 39-77-31 рақамли телефонга қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

НИЯТИ БУЗУҚ ЙЎЛОВЧИЛАР

Бугунги кунда зарарли гиёҳларни олиб юриш мутлақо ман қилинганини ҳамма яхши билади. Аммо шунга қарамай, транспортда қатновчиларнинг бу қонун-қоидаларни бузиши ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Шу йилнинг 2 январь куни Тошкент аэропортидаги махсус назорат ходимлари 664-рейс билан учувчи А. Ғанижоновнинг қўлда кўтарган юкларини текшириб кўришганда, ундан зарарли гиёҳлар топиб олишди. Навбатдаги қисқа муддатли ҳарбий хизматдаги таътилдан қайтаётган бу йигит асли қўқонлик бўлиб, ўзи билан 8 грамм заҳарли гиёҳни олиб кетаётгани аниқланди. 3 январь куни Тошкент — Омск бўйлаб учадиган рейснинг йўловчисидан 7,5 грамм наша мусодара қилинди. Қўлга олинган В. Осипович Чимкент вилоятидаги Сариоғоч ноҳиясидаги хўжаликлардан бирида асаларичилик билан шуғулланади.

4 январь куни яна бир ҳарбий хизматчи Е. Сонновнинг юклари текшириб кўрилганда ундан 103 грамм гиёвандлик моддаси топилди. Ҳарбий хизмат жойига учаётган бу йигит ҳам қўлга олинди. Шу куни зарарли гиёҳ олиб юргани учун 5059-рейснинг йўловчиси, Андижон шаҳридаги 13-мактабнинг 11-синф ўқувчиси С. Тарасов ҳам самолётга чиқарилмади.

ЎҚИШ ЎРНИГА...

Самарқанд вилоятининг Нарпай ноҳиясидаги 37-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Х. Расулова ва 2-синф ўқувчиси Ш. Расуловлар уйларга ўғирликка тушганлиги аниқланди.

Андижон вилоятидаги Қўрғонтепа шаҳрида граждани Н.нинг пулини ўғирлашда айбланган 3-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, 16 ёшли И. Тошматов, Советобод шаҳридаги 6-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси Ф. Алимов ва ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган Г. Ғафуров ушланган.

Юқорида номлари қайд қилинган ноҳиялардаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходимларидан бирон бир фойдали машғулот билан банд бўлмаган ёки ўқишга жалб этилмаган болаларга қандай чора-тадбирлар кўрилганлигини «Ёш ленинчи» газетасига маълум қилишингизни сўраймиз.

В. САФИУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот бюросининг ходими, милиция майори.

Саволлар беринг

Енгил машина ҳам ишлаб чиқариладими?

Шаҳримиз кўчаларида юрган «Икарус» автобуси қулайлиги, тез юриши, чиройлилиги билан бошқа автобуслардан ажралиб туради. Айтингчи, Венгрияда енгил автомашиналар ҳам ишлаб чиқариладими? Чиқарилса, унинг маркаси қандай?

А. ҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳри.

Венгрияда енгил автомобиль ишлаб чиқарилмайди. Венгрия статистика бошқармасининг ахборотига кўра, мамлакатдаги енгил автомашиналарнинг деярли 30 фоизини турли маркадаги совет «Жигули»лари ташкил қилади. Иккинчи ва учинчи ўринда ГДРда ишлаб чиқарилган «Трабант» (21 фоизи) ва «Вартбург» (14 фоизи) туради. Кейинги навбатни эса чехословакларнинг «Шкода»си (13 фоизни), Польшанинг «Фиат»и ва Руминиянинг «Дачия»си (6 фоиздан) эгаллайди.

Ҳар кирқинчи енгил машина — бизнинг «Москвич»имиздир. Ҳар 80-100 енгил автомобилга тахминан битта «Волга», битта Италия «Фиат»и, битта ГФРнинг «Фольксваген»и ва ЮСФРнинг битта «Застава»си тўғри келади.

Юқумли эмасми?

Қўшнимизнинг ҳамма тенгдош ўртоқлари билан иноқ, хушчақчақ 7 яшар қизчасида нима сабабдандир у ер бу ерида оқ доғлар пайдо бўла бошлади. Бу доғлар бир йил ичида анча кўпайиб, катталаша бошлади. Баъзи ота-оналар ўз фарзандларини у қизча билан ўйнашини исташмаяпти. Айтинг-чи, бу доғлар юқумлими ёки йўқми? Шуни билишни хоҳлардим.

У. УЛМАСОВА,
Бекобод ноҳияси.

Ички секреция безларининг нормал ишламаслиги, асаб бузилиши, марказий нерв системаси ишининг ўзгариши, ички органларнинг касалланиши, овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши, витаминларнинг ҳазм қилиш жараёнининг яхши бўлмаслиги ва баъзи сурункали касалликлар таъсирида терининг ранги ўзгаради.

Оқ доғлар кўпинча балоғат ёшига етгандан сўнг учрайди. Терига тушган тангадек оқ доғ бир неча йилларгача катталашмай туриши ҳам мумкин. Баъзан эса бундай доғ катталашиб кўпаяди ва бир-бирига қўшилиб кетади.

Бу касаллик пайдо бўлишидан олдин ҳеч қандай белгилар сезилмайди. Ҳозир медицинамиз бу каби касалликларни даволашда бир мунча ютуқларга эришаётир. Оқ доғни даволашдан олдин беморнинг ички аъзолари, асаб, томир системалари функцияларининг нормал ишлаши, организмдаги витамин миқдорлари текширилади. Мабодо бирор касаллик топилса, биринчи навбатда ўша даволанади.

Бемор мутахассис врач назорати остида касалхонага ётмасдан ҳам даволанади. Чунки бу касаллик юқумли эмас.

«Ёш ленинчи»
МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Д. — 2309.
Р — 03031.

Муҳаррир ўринбосари Қулман ОЧИЛ.